

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

АЛОҚА УЗИЛМАСЛИГИ УЧУН

2007 йил 5 сентябрдаги ЎРК-107-сон Қонун билан «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига ўзгартишлар киритилди. Бу Қонун билан фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, zilzilалар, сув тошқинлари, ёнгинлар, эпидемиялар ва бошқалар) телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли органга телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш ҳамда уларни марказлашган ҳолда бошқариш, шунингдек уларнинг ишлашини чеклаш ёки тўхатиб қўйиш ҳуқуқи берилди.

Мазкур Қонун у расмий эълон қилинган кундан («Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 6 сентябрь) бошлаб кучга киради («Норма маслаҳатчи»да чоп этилмоқда).

ЯНГИ ҲУҚУВ ЮРТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Президентнинг «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди (2007 йил 5 сентябрдаги ПҚ-69-сон). «Банк иши», «Бизнесни бошқариш», «Туризм» ва «Бизнесда замонавий ахборот технологиялари» йўналишлари бўйича бакалавриат (кейинчалик магистратура) тизими асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мазкур институтнинг асосий вазифаси бўлади.

Институтда ўқиш Сингапур менежментни ривожлантириш институтида (Сингапур Республикаси) қабул қилинган нормалар, таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ кундузги таълим шаклида тўлов-контракт асосида олиб борилади. Абитуриентларни қабул қилиш ҳамда битирувчиларни аттестациядан ўтказиш тартиб ва муддатини унинг ўзи белгилайди.

ЮРИДИК ХИЗМАТ НИЗОМИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида» 182-сон қарори билан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом ҳамда Ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Давлат органининг юридик хизмат ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкинлиги белгиланди. Юридик хизмат бошлиғи лавозимига эса, бундан ташқари, камида икки йиллик тегишли иш стажига ҳам эга бўлган шахс тайинланади. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларнинг юридик хизмат ходими, юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида ишлашлари мумкин эмас.

Туман ва шаҳар ҳокимликларининг юридик хизмати ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланади ҳамда тегишли ҳокимга ва ҳудудий адлия органига ҳисоб беради («Норма маслаҳатчи»да чоп этилмоқда).

БЎШ ЖОЙЛАР БОР...

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғига асосан Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар)нинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ва бўшатилиши мўлжалланаётган ходимлар ҳақидаги ахборотни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 25 августда 858-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Меҳнат органларида рўйхатга олинган барча иш берувчилар Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига бадал тўловчи сифатида бўшатилиши мўлжалланаётган ходимлар ва бўш иш жойлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар тақдим этишлари лозим.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно. (2007 йил 4 сентябрдан кучга кирди). («Норма маслаҳатчи»да чоп этилмоқда).

ИМТИЁЗЛАР УЗАЙТИРИЛДИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарорига асосан Айрим хизмат-

ларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 августда 1594-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Бу ҳужжатга асосан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-640-сон қарорининг 6-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2010 йил 31 декабргача узайтирилди. Шунингдек солиққа оид имтиёзлар татбиқ этиладиган хизматлар рўйхати кенгайтирилди. Энди унга санаторийлар, ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва болалар соғломлаштириш муассасаларининг хизматлари ҳам киритилган. (2007 йил 7 сентябрдан кучга кирди). («Норма маслаҳатчи»да чоп этилмоқда).

ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ҲАМ РЎЙХАТДАН ҲАМ

Давлат мулкни бошқариш бўйича давлат қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1708-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) Давлат мулки қўмитаси томонидан барча давлат корхоналари ва муассасаларининг ҳисоби (ҳисобини ваколатли давлат органлари юритадиган, давлат сирини ташкил этувчи объектлардан ташқари), улар тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш ва даврий равишда янгилаш орқали олиб борилади. Янгидан ташкил этилган ҳар қандай давлат корхонаси ёки муассасаси давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин мажбурий тартибда бир ҳафталик муддатда, реестрни шакллантириш пайтида фаолият юритаётганлари эса Низом кучга

киргандан сўнг 1 ой мобайнида ҳужжатларни Реестрга киритиш учун тақдим этиши лозим.

Реестрда мавжуд ҳисоб объектлари тўғрисидаги маълумотлар ёпиқ маълумотлар ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси давлат корхоналари ва муассасаларига ёки улар томонидан ваколат берилган органларга фақат расмий сўровномага мувофиқ тақдим этилиши белгиланган.

(2007 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

АУДИТОРЛАР УЧУН ИМТИҲОНЛАР

Президентнинг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» ПҚ-615-сон қарорининг 6-бандини ижро этиш мақсадида молия вазирининг буйруғига асосан Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низом тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1709-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган). Аттестацияни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон аудиторларининг республика жамоат бирлашмалари вакилларидан шакллантириладиган ва камида етти аъзодан иборат бўлган Идоралараро аттестация комиссияси ўтказди. Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси аттестацияни ўтказиш санаси, жойи ва вақтини белгилаш, шунингдек бошқа ташкилий масалаларни бажаради.

Аудиторлик ташкилотларининг раҳбарлари ҳисобланган ва бир ёки бир неча аудиторлик ташкилотларида мазкур лавозимда олти ойдан ортиқ умумий (жами) иш стажига эга шахслар аттестациядан ўтказилади. Аттестацияга мазкур лавозимда умумий иш стаж олти ойдан кам бўлган раҳбарлар ва ҳомиладор аёллар ва уч ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаш бўйича таътилда бўлган аёллар жалб қилинмайди. Раҳбарлар уч йилда бир марта аттестациядан ўтиши шарт. Апелляция комиссияси раиси номига аттестация натижалари эълон



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 11 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1049,07	1 Малайзия ринггити	363,58
1 Англия фунт стерлинги	2569,19	1 Польша злотийси	454,74
1 Дания кронаси	233,12	1 СДР	1950,84
1 БАА дирҳами	346,72	1 Туркия лираси	981,99
1 АҚШ доллари	1273,45	1 Швейцария франки	1055,40
1 Миср фунти	225,65	1 ЕВРО	1735,84
1 Исландия кронаси	19,83	10 Жанубий Корея вони	13,58
1 Канада доллари	1210,39	10 Япония иенаси	110,13
1 Хитой юани	168,79	1 Россия рубли	49,68
		1 Украина гривнаси	252,17

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	12.09.2007	1	0,852	1	1,1792	1	0,0335
Арманистон	12.09.2007	1	340,1	1	470,15	1	13,33
Беларусь	13.09.2007	1	2149	1	2975,61	1	84,59
Грузия	13.09.2007	1	1,66	1	2,2984	1	0,0653
Қозоғистон	13.09.2007	1	122,15	1	169,28	1	4,81
Қирғизистон	14.07.2007	1	37,95	1	52,3312	1	1,4886
Латвия	13.09.2007	1	0,507	1	0,702804	1	0,0199
Литва	13.09.2007	1	2,4912	1	3,4528	10	9,8053
Молдова	12.09.2007	1	11,8353	1	16,3618	1	0,4647
Тожикистон	12.09.2007	1	3,4427	1	4,7492	10	1,3493
Ўзбекистон	11.09.2007	1	1273,45	1	1735,84	1	49,68
Украина	12.09.2007	100	505	100	698,112	10	1,9792
Эстония	12.09.2007	1	11,2886	1	15,6466	1	0,444207


Манба: www.prime-tass.uz

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА

2007 йил 11 сентябрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1274,00	1277,00	1736,00	1756,00
"Асака" банки	1274,00	1278,00	1736,00	1741,00
"Ўзсаноатқурилишбанки"	1274,00	1277,00	1737,00	1747,00
"Пахтабанк"	1274,00	1277,00	1736,00	1740,00
Халқ банки	1274,00	1278,00	1736,00	1746,00
"Ипотека-банк"	1274,00	1276,00	1737,00	1742,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1275,00	1276,00	1759,00	1762,00
"UzKDBбанк"	1273,00	1274,00	1736,00	1762,00
"Фаллабанк"	1274,00	1279,00	1736,00	1745,00
"Трастбанк"	1274,00	1276,00	1737,00	1747,00
"Алп Жамол банк"	1274,00	1281,00	1736,00	1747,00
"Алоқабанк"	1274,00	1278,00	1735,00	1761,00
"Ў-Т банк"	1274,00	1276,00	1741,00	1754,00
"Туронбанк"	1273,00	1280,00	1738,00	1744,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1274,00	1281,00	1736,00	1750,00
"Ипак йўли" банки	1276,00	1278,00	1739,32	1742,04
"Микрокредитбанк"	1274,00	1280,00	1737,00	1745,00
"Туркистон" банк	1275,00	1281,00	1720,00	1755,00
"Даврбанк"	1274,00	1281,00	1736,00	1750,00
"Кредит-Стандарт" банки	1274,00	1277,00	1736,50	1760,00
"Капитал банк"	1274,00	1278,00	1736,00	1761,00
"Содерат банк"	1275,00	1280,00	1736,00	1776,00
"Ҳамкор банк"	1274,00	1276,00	1720,00	1750,00
"Универсалбанк"	1279,00	1281,00	1743,00	1746,00
"Парвинабанк"	1273,00	1275,00	1737,00	1739,00
"Равнақбанк"	1275,00	1281,00	1736,00	1756,00

«Банк ахборотномаси», № 37 (592) 2007 йил 11 сентябрь.



ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

КЕЛАСИ ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИНГ АВЖИ ПАЛЛАСИ – ОЛТИН КУЗ ҲАМ КЕЛДИ. ЎЗИНГИЗ ИШЛАЁТГАН ЖОЙДА БУЮРТМАЛАР БОБИДА КАМЧИЛИК БЎЛМАСЛИГИ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛМОҚЧИСИЗ?



• Ирригация бўйича конструкторлик бюроси бош бухгалтери **Васила Дониёровна:**

– Афсуски, бу саволга тўлиқ жавоб бера олмайман. Чунки бизнинг корхона баъзан бош бухгалтер кўп вазибаларни бажаришга тўғри келадиган кичик фирма эмас, балки каттагина ташкилотдир. Бизда шартномалар тузиш билан шуғулланувчи махсус хизмат бор. Махсулотларимизнинг каттагина қисми маҳаллий хом ашёдан тайёрланадиган газлама қўлқоп бўлиб, уни асосан Россияга экспорт қиламиз. Шартномаларимиз узоқ муддатлилик хусусиятига эга эканлиги боис ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам анчагина салмоқли. Шунингдек турли уй-жой ширкатларига мўлжаллаб композиция кувурлар тайёрлаймиз. Лекин бу махсулот бобида муайян қийинчиликлар ҳам бор. Аниқроғи мазкур махсулот янги эканлиги сабабли ҳозир уни реклама қилишга зўр бераймиз. Ана шу реклама асосида келадиган миқозлар савдо ва таъминот бўлимимизга кириб шартнома тузишади. Махсулотларимизнинг экспортига оид битимлар билан асосан ташқи иқтисодий фаолият бўлими ходимлари шуғулланишади. Қисқаси, бу иш бизда тизим асосида, изчил йўлга қўйилган...

• Тиббиёт ускуналари ва дори воситалари етказиб бериш соҳасидаги бош бухгалтер **Мамлакат Собировна:**

– Буюртмаларимиз учун йиллик шартномалар туркумини шакллантириш ўзимизга эмас, махсулотга бўлган талаб-эҳтиёжга боғлиқдир. Талабга қараб таклиф шаклланади. Биздаги таҳлил бўлими тақрибий истиқбол режаларини тузиш билан шуғулланади. Аҳолига жорий пайтда нима кераклиги, қайси товарга талаб кўп-у қайси товар харидоригир эканлигини чамалаб баҳо беради. Буюртмалар туркумини олдиндан тўлиқ тўплаймиз дея олмайман. Миқозларимизга улар ниҳоятда эҳтиёжманд бўлган товарларнигина таклиф этамиз. Дарвоқе, миқозларимиз кўп. Улардан келиб тушадиган буюртмаларга қараб ишлаб чиқаришни режалаштираемиз.

• Технологик асбоб-ускуналар яратиш соҳасидаги бош бухгалтер **Мадина Ҳамидовна:**

– Яхши савол ўртага ташланади. Мен унга буюртмачилар икки тоифали бўлади деб жавоб берган бўлур эдим. Доимий миқозларимиз биринчи тоифага киради. Улар билан узоқ йиллардан бери шерикчилик қилиб келамиз, корхонамиз чиқараётган махсулот сифатидан уларнинг кўнгли тўқ, шу сабабли биз билан бажонидил ҳамкорлик қилишади. Турли сабаблар билан бақамти бўладиган, яъни тасодифий миқозларни иккинчи гуруҳга киритган маъқул. Буюртма масаласини ҳал этишда муқимлик, барқарорлик йўқ. Аксарияти ҳар бир муайян шартнома бўйича маълум миқдорда, донабай ишлаб чиқарилади, ҳар бир буюртмачи билан ўзига хос хусусиятлар ҳақида олдиндан шартлашилади. Миқоз сўровини айни у талаб этганидек қаноатлантириш, унга зарур бўлган тарзда бажариш биз учун қонун даражасида. Махсулотни кўплаб ишлаб чиқариш бизга тўғри келмайди.

• Кишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари ишлаб чиқариш соҳаси бош бухгалтери **Райҳон Асқаровна:**

– Келаси 2008 йил учун ҳозирнинг ўзидаёқ анчагина буюртмамиз бор. Ишлаб чиқараётган махсулотимизга буюрт-

маларни Қозоғистон, Туркменистон, Озарбайжон, Туркия сингари мамлакатлардан олганмиз. Бундан ташқари маҳаллий миқёсда ўн саккизта шартнома туздик.

Таассуфки, маҳаллий пахта тозалаш заводларида маблаг етарли эмаслиги сабабли уларга ускуналаримизни катта ҳажмда етказиб бера олмаймиз. Ҳолбуки, заводимиз салмоқли қувватларга эга, чиқараётган махсулотимизнинг бир қисми экспорт қилинмоқда: булар асосан тайёрлов корхоналари учун мўлжалланган машина ва механизмлар, шунингдек уларнинг эҳтиёт ва бутловчи қисмларидир. Бу махсулотларга талаб катта, Ўзбекистонимизнинг ўзида ҳам, унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам харидор кўп.

• Дастурий таъминот билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор **Олмос Отабековна:**


– Баъзи миқозлар билан муносабат ўрнатганимизга ўн йилдан ошди, улар билан тузилган шартномани ҳар йили узайтираемиз. Амалий алоқалар нисбатан яқинда, аниқроғи 2000 йилдан эътиборан йўлга қўйилган миқозларимиз ҳам бор. Рисоладагидек ишлашимга шуларнинг ўзи етарли, янги буюртмачилар қидириш билан унча шуғулланмайман ҳам.

Миқозларимизга хилма-хил дастурий таъминот махсулотларини тақдим этамиз. Намунавий бухгалтерия дастурлари, шунингдек махсус дастурлар шулар жумласидандир. Бир идорага жисмоний шахсларни ҳисобга қўйиш ва рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган тизимини ўрнатдик – бундай шахсларга оид ахборотлар ва фотосуратларни ўзида муҳассаб этган маълумотлар базаси пайдо бўлди. Бугунги кунда асосий фаолиятим шу идорадаги автоматлаштирилган тизимга хизмат кўрсатишдан иборат. Идора билан илгари тузилган шартномалар давом этишидан энг аввало ўзим манфаатдордирман.

Якка тартибдаги тадбиркор эканлигим боис ишга ходим ёллаш ҳуқуқим йўқ, бинобарин ҳамisha бандман, сира бўш вақтим йўқ. Турмуш ўртоғим ҳам, ўғлим ҳам худди шу тахлит ишламоқдалар. Уларда ҳам иш оз эмас. Шунинг учун янги миқозлар қидирмаймиз. Ҳамкор миқозларимизга зарар бўлмасин деймиз-да! Қолаверса, ишлаб чиққан дастурларимизни мунтазам равишда тўлдириб, такомиллаштириб, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришларга мувофиқлаштириб боришимиз керак.

• Ахборот-консалтинг компанияси директори **Фарҳод Қ:**

– Фирмамиз иш бошлаганига ҳадемай ўн беш йил тўлади. Шу бизнесга қўл урганимизда иш ҳажми асосан шахсий алоқалар-у оммавий ахборот воситаларидаги реклама туфайли таъмин этиларди. Натижада баъзан босим иш-лашга, баъзан қўлни чўнтакка тикиб «ялло қилиб юриш»-га тўғри келади.



Бир сафар газетангизда шартноманинг оферта шакли ҳақида юрист тушунтиришларини ўқиб қолдим. Билдимки, бизга айни шу нарса керак. Эндиликда июль ойидаёқ келаси йил дастурини шакллантиришга киришамиз. Ўз таклифларимизни ишлаб чиқиб, оферта матнини тайёрлаймиз. Унда шартларни аниқ таърифлашнинг, шартномани ижро этишдаги ҳамма жиҳатларни инобатга олишнинг аҳамияти катта.

Ўзимиздаги маълумотлар базаси асосида, «Golden Page» маълумотномаси ва бошқа манбаларни ўрганиш асосида келгусида биз учун миқоз бўлиши эҳтимоли бўлганлар рўйхатини тузиб оламиз. Август ойининг иккинчи ярмида компаниямиз ва кўрсатадиган хизматларимиз тўғрисидаги ахборотни ҳамда рекузитларимиз кўрсатилган оферта бланкаларини уларга электрон почта ёки факс орқали жўнатамиз. Тажрибадан бизга шу нарса аёнки, бу ишни бир неча бор такрорлаш керак, ана шундангина таклифларингизга эътибор беришади. Биз имтиёзли баҳолар амал қиладиган даврни ҳам аниқ белгилаб қўямиз.

Телефон олдида шаддодгина, дилдор қизлардан бирини ўтказиб қўямиз, у сўхбатдошни кириб келадиган байрам билан табриклашни ҳам унутмаган қўйи бизнинг офертани олган-олмаганликларини, саволлар, муқобил таклифлар бор-йўқлигини суриштиради, ҳамма нарса тушунарлими, деб сўрайди ҳам. Айтиш жоизки, жўнатган шартномаларимиздан қарийб 10 фоизига миқозлардан жавоб оламиз.

Ана шунда улар билан якка тартибдаги иш бошланади: зарурат сезилаётган хизматлар рўйхати, бундай хизматларни кўрсатиш муддатлари ва шакллари аниқлаб олинади. Ниҳоят миқоз билан шартномани имзолашга гал келади. Унга албатта бирон бир бонус берамиз.

Натижада ноябрь ойидаёқ келаси йили қиладиган ишларимиз аниқ бўлади. Буюртмалардан келиб чиқиб кадрларни танлаймиз, мутахассисларимиз етмайдиган бўлса, шартнома тузиб қўшимча мутахассислар жалб этамиз, моддий-техника ва ахборот базасини тўлдираемиз. Бир сўз билан айтганда, Янги йилни кўтаринки руҳ билан кутаверсак бўлади.

Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда қилинган кундан кейин бир ой ичида апелляция аризасини бериш билан аттестация комиссияси қарори устидан шикоят қилиш мумкин. (2007 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ ТЕКШИРИШ ҚОИДАЛАРИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори билан Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган). **Қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш улар томонидан махсулот ишлаб чиқарилаётган, товарлар савдо қилинаётган, турли хизматлар бажарилаётган ва/ёки хизматлар кўрсатилаётган турғун объектлар (бино, иншоотлар)да амалга оширилади. Улар назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг қонунда белгиланган ваколатлари доирасида бир кун давомида режадан ташқари қисқа муддатли, муқобил ёки назорат тартибда текширишлар шаклида амалга оширилиши мумкин.**

Истисно тариқасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбир-

корларнинг молиявий ва товар ҳужжатларини текшириш зарурати бўлган ҳолларда, Кенгаш қарори билан якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини бундан кўпроқ, лекин 5 иш кунидан ошмаган муддатда текшириш назарда тутилиши мумкин. (2007 йил 13 сентябрдан кучга кирди).

НАРХЛАР МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг қарори билан Пахта хом ашёсининг харид нарҳини ва пахта толасининг улгуржи нарҳини шакллантириш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1711-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Мазкур ҳужжатга асосан етиштирилган пахта хом ашёсининг бутун ҳажмига бўлган харид нарҳлари Молия вазирлиги томонидан йиғим-терим бошланишигача 15 кундан кечикмасдан, Франко-ташувчи жўнатиш станцияси (FCA) шартлари ва Марказий банкнинг прогноз қилинаётган валюта курси қийматида пахта хом ашёси йиғим-терими мавсумида жаҳон бозорида қутилаётган пахта толасига бўлган ўртача даражадаги нархлардан келиб чиқиб белгиланади.

Пахта хом ашёсининг ўртача харид нарҳи тола чиқиши ўртача кўрсаткичини ҳисобга олиб

пахта толасининг жаҳон бозоридаги ўртача нарҳидан келиб чиқиб, миллий валютада аниқланади. Ундан келиб чиқиб, пахта хом ашёсининг ҳар бир саноат нави ва класс ва тип бўйича харид нарҳи пахта хом ашёсининг ҳар бир саноат нави, класс ва тип бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан ҳар йили 1 сентябрдан кечиктирмасдан толанинг жаҳон бозоридаги конъюктурасидан келиб чиқиб тасдиқланадиган пахта ва тола нарҳини қайта ҳисоблаш коэффициентларини қўллаб аниқланади.

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг 2003 йил 4 январдаги «Пахта хом ашёсининг харид нарҳини ва пахта толасининг улгуржи нарҳини шакллантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инве-

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 35-36-сон асосида 2007 йил 25 августдан 7 сентябргача бўлган давр учун тайёрланди.

Тахририятимизга келиб тушган саволларга Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси юридик шахсларга солиқ солиш бўлими шуъбаси бошлиғи Зоя ТУЧКОВА жавоб беради.

АЛОҲИДА ЭМАС – ИМТИЁЗ МАВЖУД

? Корхона вилоят марказида – ўз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилган, бироқ Тошкентда мебель, ташкилий техника кўринишида мол-мулк бўлиб, улар ижарага олинган бинода жойлашган маъмурий офисдадир. Барча мол-мулк, шу жумладан Тошкент офисдагилари ҳам, корхона балансида ҳисобга олинади, чунки у мустақил балансга ажратилган алоҳида бўлинмаларга эга эмас.

Вилоят ҳокимлиги корхонага мол-мулк солиғи бўйича қўшимча имтиёзлар берган. Корхона уларни Тошкент шаҳрида жойлашган маъмурий офис мол-мулкига қўллаши мумкинми?

– Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган мол-мулкка эга юридик шахслар мол-мулк солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 11 мартда 1107-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 1-бандининг иккинчи қисмига кўра солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда шунингдек мулкда, хўжалик юртишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулк бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича мол-мулк билан жавоб берадиган, шу жумладан мустақил баланс

ва ҳисоб-китоб варағига эга алоҳида бўлинмалар тушунилади. Солиқ кодекси 92-моддасининг учинчи қисмига кўра маҳаллий ҳокимият органлари мол-мулк ўз ҳудудида жойлашган солиқ тўловчиларга қўшимча имтиёзлар бериши мумкин.

Тошкент офисдаги мебель ва техника корхона маъмурий офисининг мол-мулкига бўлиб ҳисобланади, корхона балансида қайд этилади ва алоҳида бўлинманинг юқорида келтирилган мезонларига жавоб беради. Шу боис мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни корхонага Тошкентдаги маъмурий офисда жойлаштирилган мол-мулкка нисбатан ҳам қўллаши мумкин.

ИМТИЁЗ СИЗГА ҲАМ ТААЛЛУҚЛИ

? Хусусий тиббиёт корхонаси ташкил этилган дастлабки икки йил ичида ягона солиқ тўловини

тўлашига доир тушунтириш беришингизни сўраймиз. Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» Фармони (1998 йил 10 ноябрь, ПФ-2107-сон) 13-банди билан хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилган.

Мазкур имтиёз ягона солиқ тўловини тўловчиларга татбиқ этиладими?

– Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» Фармони (1998 йил 10 ноябрь, ПФ-2107-сон) соғлиқни сақлаш нодавлат секторини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шарт-шароитларни вужудга келтириш учун хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилган пайтдан бошлаб 2 йил муддатга барча турдаги солиқлардан, шу жумладан ягона солиқ тўловидан озод қилинган, бундан йиғилган маблағларнинг муассасаларни замонавий тиббий ва ташхис ускуналари билан жиҳозлашга сарфланиши белгиланган.

Мақсадли йўналтирилган имтиёزلарни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби Юридик шахсларга солиқлар, боғхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомда келтирилган (янги тахрирда, МВ, ДСҚ ва ДБҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган).

ҚАЙТАРИЛМАЙДИГАН ҚҚС

? «Ўзбекистон» ноширлик-матбаа ижодий уйи босма маҳсулот: умумтаълим мактаблари учун дарсликлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маърифий, маълумотнома тусидаги ва бошқа хил адабиётлар, альбомлар, лугатларни чоп этиш бўйича республикадаги энг йирик давлат корхоналаридан бири ҳисобланади, бу китобларнинг озгина қисми экспортга чиқарилади. Корхона ўз маҳсулотини сотишдан ҚҚС тўлаш бўйича имтиёзга эга.

Юқори сифатли, шу жумладан экспорт учун мўлжалланган босма маҳсулотни чоп этиш учун «Ўзбекистон» НМИУ хориждан қоғоз, бўёк, офсет пластиналари ва баъзи бошқа матбаа материалларини сотиб олишга мажбур. Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан барча импорт қилинадиган, шу жумладан экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган матбаа материалларига ҚҚС тўланади. Бу эса маҳсулот қийматининг қимматлашишига олиб келади, у экспорт маҳсулотига буюртмалар бўйича корхонанинг рақобатбардошлигига ғоятда салбий таъсир кўрсатади.

Буюртмачи экспорт маҳсулотига нархнинг юқорилиги туфайли шартнома тузишдан бош тортган ҳоллар тез-тез учрайди, бундай нархнинг анча қисмини импорт қилинадиган

хом ашё ва матбаа материаллари учун тўланган ҚҚС ташкил этади.

Импорт қилинадиган матбаа материалларига тўланган ҚҚСни экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилган қисмида қайтариш мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз, бунда корхона импорт материалларидан экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш учун фойдаланиш бўйича зарур ҳисоб ва ҳисоботни таъминлашга кафолат беради.

З.Исажонов,
«Ўзбекистон» НМИУ
директори.



– Солиқ кодексининг 75-моддасига ҳамда Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (янги тахрирда МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 38-бандига кўра қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, шунингдек қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарадиган корхоналар фойдаланадиган харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича солиқ суммаси ҳисобга

киритилмайди. ҚҚСни ҳисобга киритиш харид қилинган, шу жумладан импорт қилинадиган, фақат солиқ солинадиган айланма учун, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича, фойдаланиладиган материаллар бўйича назарда тутилган. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот бўйича ҚҚСдан озод қилиш корхонани уни ишлаб чиқариш учун фойдаланилган материаллар бўйича ҚҚСни ҳисобга киритиш учун қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

Юқорида кўрсатилган тартибни алоҳида корхонага нисбатан ўзгартириш масаласини ҳал этиш учун сиз ваколатли органларга мурожаат қилишингиз керак.

+ КОЭФФИЦИЕНТ

? Мен хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонада бухгалтер бўлиб ишлайман. Туман коэффициентини ҳисоблаб ёзиш борасида бир савол туғилиб қолди. Бюджет ташкилотлари учун (Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 4 сентябрдаги «Бюджет муассасалари ходимларининг пенсиялари, стипендиялари ва иш ҳақи миқдорларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 407-сон қарори 4-банди) туман коэффицентини ҳисоблаб ёзиш учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан чегараланган сума белгиланган. Масалан, ЭКИХ 12 420 сўм х 4 х 1,2 (Навоий шаҳри учун туман коэффицентини) = 9 936 сўм.

Аудиторлар бизга 2000 йил 29 сентябрдаги 975-сон Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда иш ҳақи фондини шакллантириш тўғрисидаги низомга асосан туман коэффицентлари бўйича устаманинг чегараланган қийматини ҳисоблаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори қўлланилаётганлигини айтиб, танбеҳ беришди. Яъни туман коэффицентини энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорига ҳисоблаб ёзилади. Мисол: 12 420 сўм х 1,2 = 2 484 сўм.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун чўл, юқори тоғлик ва сувсиз жойларда (Навоий шаҳри) ишлашга туман коэффицентини қандай қилиб тўғри ҳисоблаб ёзилишини тушунтириб берсангиз.

М.Абузорова,
«BENTONITE» ҚҚ.

– Миқдори қонун билан белгиланган коэффицентлар (туман коэффицентлари, чўл ва сувсиз жойларда ишлаганлик учун, юқори тоғлик жойларда ишлаганлик учун) ходимларнинг иш ҳақига нисбатан қўланади. Коэффицент ҳисоблаб ёзиладиган иш ҳақи таркибига тариф бўйича тўланадиган ҳақ, қўшимча тўловлар, иш вақтидан ташқари вақтда ишлаганлик учун тўланадиган ҳақ ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар кирради.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 4 сентябрдаги 407-сон қарорининг 4-банди билан корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг иш ҳақига республика ҳудудида белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан коэффицентлар (туман коэффицентлари, чўл ва сувсиз жойларда ишлаганлик учун, юқори тоғлик жойларда ишлаганлик учун)ни ҳисоблаб ёзиш учун чегараланган сума белгиланган. Мазкур тартиб мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга татбиқ этилади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ҳақ тўлаш фондини шакллантириш тўғрисидаги низом (Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 29 сентябрда 975-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 3-бандининг охириги хатбошисида тушунтирилишича, туман коэффицентлари бўйича устамани ҳисоблаб чиқариш учун устамани ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан чегара эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Президентининг фар-

монларига мувофиқ белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори қўланади.

2007 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Президентнинг «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорини ошириш тўғрисида» Фармони билан (2007 йил 10 июль, ПФ-3889-сон) энг кам иш ҳақининг 15 525 сўмга тенг бўлган миқдори белгиланди. 2007 йил 1 августдан бошлаб коэффицентларни ҳисоблаб ёзиш амалга ошириладиган иш ҳақининг чегараланган суммаси 15 525 сўм х 4 = 62 100 сўмни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори билан Навоий шаҳри ҳудудида барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иш ҳақига 1,20 миқдоридан коэффицент белгиланган. Шу тариқа, ҳудудий коэффицент бўйича ходимларнинг иш ҳақи устаманинг чегараланган миқдори Навоий шаҳрида 62 100 сўм х 0,2 = 12 420 сўмни ташкил этади.

Энг кам иш ҳақининг миқдори йил давомида ўзгарган тақдирда энг кам иш ҳақи миқдорининг ўзгаришига қадар ҳисоблаб ёзилган туман коэффицентини бўйича устамалар қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Туман коэффицентларини қўллаган ҳолда иш ҳақининг шартли ҳисоб-китоби:

Масалан, 1,20 миқдоридан туман коэффицентини белгиланган Навоий шаҳридаги корхонада 2007 йил сентябрь учун ходимга иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган:

1-мисол. Иш ҳақи 150 000 сўмга тенг.

Агар ходимнинг ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи суммаси республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравар миқдоридан ошиб кетса, коэффицент унинг энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорини ташкил этадиган қисмига ҳисоблаб ёзилади.

Туман коэффицентини бўйича иш ҳақи устама 62 100 х 0,2 = 12 420 сўмни ташкил этади.

Туман коэффицентини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи 150 000 сўм + 12 420 сўм = 162 420 сўмни ташкил этади.

2-мисол. Иш ҳақи 62 100 сўмни ташкил этади.

Туман коэффицентини бўйича иш ҳақи устама 62 100 х 0,2 = 12 420 сўмни ташкил этади.

Туман коэффицентини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи 62 100 сўм + 12 420 сўм = 74 520 сўмни ташкил этади.

3-мисол. Иш ҳақи 15 525 сўмни ташкил этади.

Агар ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи суммаси туман коэффицентини бўйича ҳисоблаб ёзиш учун белгиланган чегараланган суммадан ошиб кетмаса, коэффицент ҳисоблаб ёзилган иш ҳақига қўланади.

Туман коэффицентини бўйича иш ҳақи устама 15 525 х 0,2 = 3 105 сўмни ташкил этади.

Туман коэффицентини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи 15 525 сўм + 3 105 сўм = 18 630 сўмни ташкил этади.

Юқори тоғлик, чўл ва сувсиз туманларда ишлаганлик учун белгиланган коэффицентлар бўйича устамалар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси бўйича солиққа тортилади (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги «Жисмоний шахслар айрим тоифаларининг даромадларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида» 562-сон қарорининг 2-банди; янги тахрирда МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 18-банди).

Тушунтириш электрон эксперт тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Солиқ олиш масалалари
– буйича ҳисоблаб
– телефонлар орқали
– чўрвоқат + илтим

Тошкент ш. (99871) 137-07-70, 137-45-23
Тўлқин ш. (8322) 27-58-37
Самарқанд ш. (882) 34-16-12
Наманган ш. (352) 33-83-26
Фўрида ш. (1732) 25-78-30

Амалдорлар: 0749-092569
Кўришчи: (99871) 137-45-21

ҚҚС ВА АКЦИЗНИ ҚАНДАЙ АКС ЭТТИРАМИЗ?



Хоразм вилояти, Хонқа туманида жойлашган «Хонқа шаробсавдо» иктисослаштирилган база унитар корхонаси асосан спиртли ичимликлар билан улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга оширади. Тармоқ коди 71124, 2007 йилнинг 1 январидан ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 28-банди 1-қисмида кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолдаги товарлар реализациясидан тушган тушум ялпи тушум таркибига киритилган. База эса умумий товар айланмасидан ягона солиқ тўловини амалга оширади, ҚҚС ва акциз солиғи тўламайди. Бу солиқ турларини вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар (ароқ заводлари) тўлайди. Савдо корхоналарининг маҳсулот сотишдан тушган тушумида заводлар тўлаган ҚҚС ва акциз солиғи ҳам мавжуд. Ягона солиқни тўлашда тўланган ҚҚС ва акциз солиғи ҳисобга олинади. Бу эса иккинчи марта солиқ солинишига кирмайдими?

С.Юлдашев,
бош ҳисобчи.

– Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан 2007 йил 28 февралда 1667-сон билан рўйхатга олинган) 28-бандига кўра ялпи тушум таркибига куйидагилар киритилади:

- 1) кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегирилган ҳолдаги товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан тушум;
- 2) асосий фаолиятдан бошқа даромадлар;
- 3) молиявий фаолиятдан даромадлар;
- 4) фавқуллода даромадлар.

Ягона солиқ тўловчи корхоналар ўз ихтиёрига қараб кўшилган қиймат солиғини тўлашлари мумкин. Лекин хат мазмунидан келиб чиқса, ушбу савдо корхонаси ҚҚС тўловчиси бўлиб ҳисобланмайди.

У ҳолда ЎЗР АВ томонидан 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ ва ДСҚнинг қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича кўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 26-бандига мувожаат қилишимиз керак бўлади. Ушбу бандда кўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи корхоналар моддий ресурслар (ишлар, хизматлар)ни кўшилган қиймат солиғи билан сотиб олишлари кўзда тутилган.

Бунда сотиб олинган моддий ресурслар (ишлар, хизматлар)га доир кўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига киритилади. Савдо, таъминот-сотиш ва тайёрлов корхоналари кўшилган қиймат солиғини харид қилинган товар қийматида киритадилар.

Ушбу қоида сотиб олинган моддий ресурслар (ишлар, хизматлар) бўйича кўшилган қиймат солиғи суммаларини ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига, савдо, таъминот-сотиш ва тайёрлов корхоналари бўйича – харид қилинган қийматга киритиш тартиби амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солишнинг алоҳида тартиби кўзда тутилган юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Демак савдо корхонаси харид қилинаётган вино-ароқ маҳсулотларидаги кўшилган қиймат солиғини товар харид нархида киритиши лозим.

ЎЗР Бухгалтерия ҳисоби «Товар-моддий захира» деб номланган Миллий стандартнинг (4-сонли БХМС) (ЎЗР АВ 17.07.2006 й. 1595-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МВ 15.06.2006 й. 52-сон буйруғи) 13-бандига асосан товар-моддий захиралар ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннари бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннарига киритиладиган харажатлар таркибига товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва йигимлар суммалари (агар улар бюджетга ҳисобга олиш йўли билан қопланмаса) киритилади. Заводлар томонидан Сизга ҳисоблаб кўрсатилган кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқлари бюджетга ҳисобга олиш йўли билан қопланмаганлиги сабабли, уларни товарнинг харид қийматида киритиш лозим.

Сизнинг мисолида ягона солиқ тўловини ҳисоблашда товар хариди жараёнида тўланган кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқлари ялпи тушумдан чегирилмайди.

Ушбу тартиб ягона солиқ тўловида бўлган ва шу билан бирга кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларини тўловчиси ҳисобланган ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан қўлланилади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ



Ягона ижтимоий тўлов бўйича чораклик ҳисоботни тўлдиршида айрим саволлар туғилди. Ушбу саволларга батафсилроқ жавоб берсангиз.

Фермер хўжалигимиз ягона ижтимоий тўлов бўйича имтиёзга эга эмас. Корхонада ишловчилар сони 21 кишини, уларнинг бир ойлик иш ҳақи фонди 1680 минг сўмни ташкил этади. Сотишдан тушган тушум 1-чоракда 3200 минг сўмни, 2-чоракда эса 8200 минг сўмни ташкил этди. Йил бошига ягона солиқ тўловидан боқимонда қарз суммаси 720 минг сўмни ташкил этади. Иш ҳақидан ижтимоий ажратма (2.5%) дан қолдиқ 74 минг сўмга тенг. Сотиш ҳажмидан ҳисобланган ажратма бўйича қолдиқ 49 минг сўм.

Агар иложи бўлса келтирилган маълумотлар асосида ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоботларни 1-чорак ва 2-чорак мисолида кўрсатиб берсангиз.

1-чоракда жамғармага куйидагилар тўланди:

24% ягона ижтимоий тўлов – 1250.00 минг сўм

2.5% ажратма – 170.00 минг сўм

0.7% маҳсулот сотиш ҳажмидан ажратма – 100.00 минг сўм

2-чоракда жамғармага куйидаги маблағлар тўланди:

24% ягона ижтимоий тўлов – 1200.00 минг сўм

2.5% ажратма – 160.00 минг сўм

0.7% маҳсулот сотиш ҳажмидан ажратма – 90.00 минг сўм.

Зулфия Исмоилова,

Сирдарё вилоятдан фермер хўжаликлари бухгалтери.

– Ягона ижтимоий тўлов, давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий ажратмалар ва бадалларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш тўғрисидаги ҳисобот шакли Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 10-иловасида келтирилган. Мазкур Низомда унинг тўлдирлиш тартиби келтирилмаган. Лекин ушбу ҳисобот шакли сатрлари мазмунидан уни тўлдирлиш тартиби қандайлигини билиб оلسа бўлади.

Масалани сизнинг корхонангиз мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. 1-чорак учун ягона ижтимоий тўлов қўлланиладиган база = 5040 минг сўмни (1680 минг сўм x 3 ой) ташкил этади.

Унда: 24% ягона ижтимоий тўлов 5040 x 24% = 1209.60 минг сўм.

2.5% иш ҳақидан ажратма 5040 x 2.5% = 126.00 минг сўм.

Сотиш ҳажмидан ажратма 3200 x 0.7% = 22.4 минг сўм.

2-чорак учун ягона ижтимоий тўлов қўлланиладиган база = 5040 минг сўмни (1680 минг сўм x 3 ой) ташкил этади.

Ундан: 24% ягона ижтимоий тўлов 5040 x 24% = 1209.60 минг сўм.

2.5% иш ҳақидан ажратма 5040 x 2.5% = 126.00 минг сўм.

Сотиш ҳажмидан ажратма 8200 x 0.7% = 57.4 минг сўм.

Ушбу келтирилган маълумотлар асосида ҳисоботни тузамиз.

Юридик шахслар ҳар чоракда бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш муддатларида туман (шаҳар) солиқ органларига ягона ижтимоий тўловнинг ўсиб боруви учун ялпи тушум, давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий ажратмалар ва бадалларнинг ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши ҳақидаги ҳисоботларни куйида келтирилган шакл бўйича тақдим этишлари шарт.

минг сўм

Моддалар номи	Сатр коди	Ҳисобот чораги учун		Ҳисобот чораги учун	
		1-чорак учун	Ҳисобот чораги учун	2-чорак учун*	Ҳисобот чораги учун
Йил бошига бўлган қолдиқ, жами	010	843.00	843.00	681.00	843.00
Шу жумладан:					
Иш берувчиларнинг жами бадаллари (012-сатр + 013-сатр + 014-сатр + 015-сатр)	011	720.00	720.00	679.60	720.00
Шу жумладан:					
ЯИТ (24%)	012	720.00	720.00	679.60	720.00
01.01.2004 йил ҳолати бўйича иш берувчиларнинг бадаллари бўйича боқимондалар:					
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига	013	0	0	0	0
Бандликка кўмаклашиш фондига	014	0	0	0	0
Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига	015	0	0	0	0
Ходимнинг бадаллари	016	74.00	74.00	30.00	74.00
Сотиш ҳажмидан ажратмалар	017	49.00	49.00	-28.60	49.00
Якка тартибдаги тадбиркорлик билан банд бўлган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларининг бадаллари	018	0	0	0	0
12-модда "б"- "ж" бандлари бўйича харажатларнинг қопланиши	019	0	0	0	0
14-модда бўйича харажатларнинг қопланиши	020	0	0	0	0
15-модданинг "а" банди бўйича харажатларнинг қопланиши	021	0	0	0	0
Шу жумладан 85% бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадига киритиладиган	021a	0	0	0	0
Жарима ва пенялар	022	0	0	0	0
Ҳисоблаб ёзилган жами ажратмалар ва бадаллар	030	1358.00	1358.00	1393.00	2751.00
Шу жумладан:					
Иш берувчиларнинг ЯИТ бадаллари жами - (24%)	031	1209.60	1209.60	1209.60	2419.20
Ходимнинг бадаллари	032	126.00	126.00	126.00	252.00
Сотиш ҳажмидан ажратмалар	033	22.40	22.40	57.40	79.80
Якка тартибдаги тадбиркорлик билан банд бўлган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларининг бадаллари	034	0	0	0	0
12-модда "б"- "ж" бандлари бўйича харажатларнинг қопланиши	035	0	0	0	0
14-модда бўйича харажатларнинг қопланиши	036	0	0	0	0
15-модданинг "а" банди бўйича харажатларнинг қопланиши	037	0	0	0	0
Шу жумладан 85% бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадига киритиладиган	037a	0	0	0	0
Жарима ва пенялар	038	0	0	0	0
Кечиктирилган сугурта бадаллари суммаси	039	0	0	0	0
Ҳисобдан чиқарилган сугурта бадаллари суммаси	040	0	0	0	0
Жами ўтказилган	050	1520.00	1520.00	1450.00	2970.00
Иш берувчиларнинг жами бадаллари (052-сатр + 053-сатр + 054-сатр + 055-сатр)	051	1250.00	1250.00	1200.00	2450.00
Шу жумладан:					
ЯИТ-(24%)	052	1250.00	1250.00	1200.00	2450.00
Иш берувчиларнинг бадаллари бўйича боқимондалар:					
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига	053	0	0	0	0
Бандликка кўмаклашиш фондига	054	0	0	0	0
Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига	055	0	0	0	0
Ходимнинг бадаллари	056	170.00	170.00	160.00	330.00
Сотиш ҳажмидан ажратмалар	057	100.00	100.00	90.00	190.00
Якка тартибдаги тадбиркорлик билан банд бўлган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларининг бадаллари	058	0	0	0	0
12-модда "б"- "ж" бандлари бўйича харажатларнинг қопланиши	059	0	0	0	0
14-модда бўйича харажатларнинг қопланиши	060	0	0	0	0
15-модданинг "а" банди бўйича харажатларнинг қопланиши	061	0	0	0	0
Шу жумладан 85% бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадига киритиладиган	061a	0	0	0	0
Жарима ва пенялар	062	0	0	0	0
Ҳисобот даври охирига ҳисоблаб ёзилган бадаллар ва ажратмалар жами қолдиғи	070	681.00	681.00	624.00	624.00
Шу жумладан:					
Иш берувчиларнинг жами бадаллари (072-сатр + 073-сатр + 074-сатр + 075-сатр)	071	679.60	679.60	689.20	689.00
Шу жумладан:					
ЯИТ-(%)	072	679.60	679.60	689.20	689.20
Куйидагилардан иш берувчиларнинг бадаллари бўйича боқимондалар:					
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига	073	0	0	0	0
Бандликка кўмаклашиш фондига	074	0	0	0	0
Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига	075	0	0	0	0
Ходимнинг бадаллари	076	30.00	30.00	-4.00	-4.00
Сотиш ҳажмидан ажратмалар	077	-28.60	-28.60	-61.20	-61.20
Якка тартибдаги тадбиркорлик билан банд бўлган шахслар ва деҳқон хўжаликлари аъзоларининг бадаллари	078	0	0	0	0
12-модда "б"- "ж" бандлари бўйича харажатларнинг қопланиши	079	0	0	0	0
14-модда бўйича харажатларнинг қопланиши	080	0	0	0	0
15-модданинг "а" банди бўйича харажатларнинг қопланиши	081	0	0	0	0
Шу жумладан 85% бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадига киритиладиган	081a	0	0	0	0
Жарима ва пенялар	082	0	0	0	0

Ушбу жадвалда (-) ишора билан кўрсатилган суммалар ортиқча тўловни билдиради.

* Ушбу жадвалда 1- ва 2-чорак ҳисоботлари солиштириш учун бирлаштириб кўрсатилган бўлиб, амалиётда улар ҳар чорак учун алоҳида тўлдирилади ва белгиланган муддатларда тақдим этилиши лозим.

Маслаҳатларни эксперт, Солиқ маслаҳатчилари палатасининг аъзоси Муҳиддин ЗАЙНИДДИНОВ тайёрлади.

БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ТЎҒРИСИДА БАТАФСИЛ

Товарнинг божхона қийматини аниқлашга тааллуқли масалалар божхона амалиётида энг мунозарали масалалар бўлса эҳтимол. Айни улар ҳаммадан кўп низолабга сабаб бўлади. Тадбиркорлар баъзан божхона томонидан таклиф этилган божхона қийматини аниқлаш усули ва ўз маълумотлар базасидан фойдаланишга қўшилмайдилар, бунинг оқибатида божхона қиймати тузатилади, божхона тўловлари қўшимча ундирилади, баъзан мураккаб судлашиш жараёни бошланади.

Божхоначилар нархларни белгилаётганда нималарни мўлжал қилишлари, божхона қийматини арз қилиш таомили, тузатишни қўллашнинг қанчалик тўғрилиги ҳамда божхона тарифларини тартибга солиш ушбу соҳасининг кўпгина бошқа жиҳатлари тўғрисида Давлат божхона қўмитасининг божхона тарифларини тартибга солиш ва тўловлар ҳисобини юритиш бош бошқармаси бошқарма бошлигининг ўринбосари Холида УСМОНОВА ҳикоя қилади:

– Аввало шуни эслатиш ўринлики, товарнинг божхона қиймати – унинг нархидир, унга кўра мазкур товар ёки айнан бир хил, у билан бир турдаги товар ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вақт ва жойда, эркин рақобат шароитида савдонинг бир маромли боришида сотилади ёки сотиш учун таклиф қилинади. Халқаро ҳуқуқда бундай меъёр 1994 йилги Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ 94 й.)нинг VII моддаси билан белгиланган ҳамда олиб келинадиган ва олиб чиқиладиган товарларга татбиқ этилади, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий соҳасида эса «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқади.

Мамлакатимизда товарларнинг божхона баҳосини чиқариш халқаро амалиётда қўлланадиган божхона баҳосини чиқаришнинг умумий қоидаларига, хусусан, 1994 йилги ГАТТ VII моддасини қўллаш бўйича халқаро келишув билан (товарларнинг божхона баҳосини чиқариш) белгиланганларига асосланади. Айни ушбу келишувда божхона баҳосини чиқаришнинг олти усули мавжуд. Шу сабабли ТИФ айрим иштирокчиларининг бизнинг божхоначилар уларни фаолиятларини мушкуллаштириш учун ўйлаб топганлар деган даъволари асоссиздир.

– **Фикримча, ўқувчиларимизга божхона қиймати нима учун аниқланишини яна бир марта тушунтириш ортиқчалик қилмайди.**

– У божхона қийматидан фозиларда ҳисоблаб чиқариладиган адвалор бож суммасини аниқлаш учун зарур. Божхона баҳосини чиқариш усуллари «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида белгилаб берилган. Улар ичида асосийси олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолаш усули ҳисобланади. Агар ундан фойдаланиб бўлмаса, божхона баҳосини чиқаришнинг қуйидаги усуллари бирин-кетин қўлланилади: айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб; ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб; қийматларни чегириб ташлаш асосида; қийматларни қўшиш асосида; резерв усул. Бунда қийматлар-

ни чегириб ташлаш ва қийматларни қўшиш асосидаги усуллар исталган кетма-кетликда қўлланилиши мумкин.

Баҳони чиқариш тартиби **Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш йўриқномасида** (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 январда 390-сон билан рўйхатдан ўтказилган) анча батафсил баён этилган. Унда аниқ мисолларда амалиётдан усулларнинг

қиймати божхона органларида мавжуд бўлган маълумотлар, шу жумладан божхона юк декларациялари ва бошқа муқобил манбаларнинг таҳлили асосида шакллантирилган маълумотлар базаси асосида уни аниқлаш усулларини кетма-кет қўллаш билан аниқланади.

Шуни ҳам айтишни хоҳлардимки, божхона органлари ТИФ иштирокчиларидан ҳар қандай товарларга тааллуқли, ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни

ТИФ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИГА

Ҳеч нарса божхонанинг баёнот берилган қийматнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш ҳуқуқини чекламаслиги керак.

1994 йилги ГАТТ VII моддасини қўллашга доир халқаро келишувдан (товарларнинг божхона баҳосини чиқариш).

ҳар бири бўйича муфассал ҳисоб-китоблар келтирилади. Истакларни ҳисобга олган ҳолда 1999 йилда Йўриқномага илова (1-қўшимча, Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 декабрда 390-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ишлаб чиқилди, унда тўртинчи усулни қўллашга доир тавсиялар берилди.

– **Божхона қийматини баҳолаш таомили қонун ҳужжатларида аниқ қайд этилган экан, нимага уни белгилашда тушунмовчиликлар юз бермоқда?**

– Бунда қуйидаги жиҳатни аниқлаштириб олиш муҳим: божхона органи билан декларант ўртасидаги мулоқот натижасида божхона қийматини қабул қилиш тўғрисидаги қарорга келинади. Бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Агар импортчида божхона расмийлаштируви давомида у божхона қийматини аниқлаш чоғида фойдаланган тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар етарлича бўлса, бу божхона органи уни божхона тўловларини ҳисоблаб ёзаётганда асос сифатида қабул қилиши учун етарли бўлади. Божхона баҳо чиқаришнинг ўз усулларини ёки маълумотлар базасини тиқиштираётганлиги тўғрисидаги сўзлар асоссиз, чунки маълумотлар базаси фақат импортчи ўзи тақдим этган маълумотларнинг тўғрилигини исботлай олмаган ҳоллардагина қўлланади. Буни ҳам ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари англашлари зарур. Декларацияланаётган товарнинг божхона

ҳар доим мамнуният билан қабул қиладилар. Чунинчи, сўнги вақтларда ДБК ушбу йўналишда ишлаб чиқарувчиларнинг вакили бўлган баъзи йирик компаниялар билан яқиндан ҳамкорлик қила бошлади. Улар баъзи товар турлари бўйича объектив нарх ахборотини мунтазам тақдим эта бориб, катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Ушбу ишдан асосий мақсад – аввало товарлар импорти

божхона тўловларини ҳисоблаб ёзаётганда асос сифатида қабул қилиш учун етарлидир. Бу ҳужжатларни номма-ном санаб берсангиз.

– Бунда шуни эслатиб ўтиш лозимки, товарларнинг божхона қиймати ҳусусида декларант божхона органига **Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тўғрисида йўриқнома** билан (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 январда 391-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқланган БҚД-1 ёки БҚД-2 белгиланган шакллари бўйича баёнот беради (декларациялайди).

БҚД-1 биринчи усул бўйича, шунингдек олтинчи усулнинг биринчи қисми билан* аниқланадиган божхона қиймати ҳусусида баёнот берилганда фойдаланиш учун мўлжалланган. Биринчи ҳолда у қиймат асосига эга бўлган олди-сотди ташқи савдо битимларига мувофиқ олиб кириладиган, яъни сотиб олинган товар учун ҳисоб-китоблар пул тўловлари воситасида амалга ошириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан қўлланади**. БҚД-2 шакли эса кўрсатилган усуллар асосида иккинчи усулдан бешинчи усулга қадар (бешинчи усул ҳам қиради) усуллардан бири, шунингдек олтинчи усул бўйича божхона қийматини аниқлаш чоғида фойдаланиш учун мўлжалланган.

Божхона қиймати декларацияси божхона юк декларацияси ва божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар билан бир вақтда тақдим этилади ва ун-

товарларни олиб ўтаётган шахснинг таъсис ҳужжатлари; шартнома (контракт) ва унга қўшимча келишувлар (агар улар назарда тутилган бўлса); ҳисобварақ-фактура (инвойс) ва банк тўлов ҳужжатлари (агар тўловнома тўланган бўлса) ёки ҳисобварақ-проформа (шартли қиймат битимлари учун), шунингдек товарнинг қийматини тасдиқлайдиган бошқа тўлов ва (ёки) бухгалтерия ҳужжатлари; агар мавжуд бўлса, етказиб бериш шартларига боғлиқ ҳолда транспорт ва суғурта ҳужжатлари; жўнатиш мамлакатининг божхона декларацияси (агар мавжуд бўлса); ўров варақлари ва бошқа ҳужжатлар.

Агар баёнот берилган божхона қийматини тасдиқлаш учун ҳужжатлар етарли бўлмаса, божхона органи қўшимча маълумотлар сифатида қуйидагиларни талаб қилишга ҳақлидир: битимга дахлдор бўлган учинчи шахслар билан контрактлар; сотувчи фойдасига учинчи шахсларга тўловлар учун тўловномалар; баҳоси чиқариладиган товар бўйича битимга алоқадор бўлган воситачилик, брокерлик хизматлари учун тўловномалар; бухгалтерия ҳужжатлари; лицензион ёки муаллифлик келишувлари; экспорт (импорт) лицензиялари; омбор квитанциялари; етказиб беришга буюртмалар; тайёрловчи фирмаларнинг каталоглари, спецификациялари, нарх преискуртанлари (прайс-варақлари); тайёрловчи фирманинг калькуляцияси (агар фирма уни ўзбекистонлик харидорга тақдим этишга рози бўлса); божхона қиймати декларациясида баёнот берилган маълумотларни тасдиқлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган бошқа ҳужжатлар.

– **Агар товарларни чиқариш муддатларида декларант санаб ўтилган ҳужжатларнинг бирортасига эга бўлмаса, яъни божхона қийматини аниқлаш таомили тугалланмаган бўлса, нима қилиш керак? Ҳужжатлар тақдим этилмагунинга қадар товардан фойдаланиб бўлмайди?**

– Нега энди, мазкур ҳолда қонун ҳужжатларида анча қулай имконият назарда тутилган. Божхона расмийлаштируви пайтида декларантда баёнот берилган божхона қийматини тасдиқлайдиган ҳужжатлар ёки фойдаланилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган исботдалиллар мавжуд бўлмаса, шунингдек контракт шартларида олиб кириладиган товарнинг узил-кесил нархи харидорнинг сотувчига тўловлари умумий суммаси бўйича аниқланиши мумкин бўлган товар реализациясини ҳисобга олган ҳолда нархларни қайта кўриш қондаси назарда тутилган ҳолларда божхона органи, башарти божхона тўловларининг тўлиқ суммаси тўланиши таъминланса, товарни декларантга фойдаланиш учун

Божхона қиймати декларацияси қуйидаги ҳолларда тўлдирилмайди:

– товарлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, шахсий фойдаланиш учун олиб кирилган ҳолларда;

– агар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари талабларига риоя этилиши чоғида божхона тўловларини тўлаш мажбурияти юзага келмаса ва юзага келиши мумкин бўлмаса;

– уларга мувофиқ олиб кириладиган товарларга нисбатан божхона тўловлари тўланмайдиган божхона режимлари ҳусусида баёнот берилганида.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш йўриқномасига кўра БҚД божхона қиймати 1 000 АҚШ доллари эквивалентига тенг ёки ундан кам бўлган товарлар бўйича битимларга тўлдирилмайди. Ушбу ҳолда божхона қиймати ҳисобварақ-фактуралар, инвойслар, товар-транспорт юкхатлари ва уни тўғри аниқлаш имконини берадиган бошқа ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда аниқланади.

чоғида божхона қийматини сунъий равишда пасайтириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш орқали бозорда ҳалол рақобат яратишдир.

– **Сизнинг айтишингизча, тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини тўлиқ тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги божхона органи томонидан божхона қийматини**

даги ҳамда божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги барча маълумотлар учун декларант республикамиз қонунларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини эълон қилиш ва назорат қилиш қоидаларига мувофиқ (Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 22 февралда 899-сон билан рўйхатдан ўтказилган) баёнот берилган маълумотларни тасдиқлаш учун, божхона қиймати декларациясидан ташқари, декларант зарур ҳолларда қуйидагиларни тақдим этиши керак:

* «Бож тарифи тўғрисида»ги ЎзР Қонунининг 23-моддаси.

** Божхона баҳосини чиқаришнинг соддалаштириш ва бирхиллаштириш мақсадида шартли қиймат битимларига мувофиқ олиб кириладиган (яъни уларга доир пул маблағларининг реал ҳаракати мавжуд бўлмаган) товарларнинг божхона қийматини аниқлаш чоғида биринчи усулни қўллашга йўл қўйилади. Бу хил битимларга турли хил айирбошлаш битимлари (товар айирбошлаш операциялари) киритилиши мумкин. Масалан, бартер ва компенсацияли етказиб беришлар. Шунингдек кафолат ҳисобидан етказиб беришлар ва, агар тегишли ҳужжатларда – контракт (шартнома, келишув), ҳисобварақ-проформа, олиб чиқиш мамлакатининг божхона декларациясида – бундай операция доирасида етказиб бериладиган товарлар ҳар бирининг қиймат баҳоси бўлган тақдирда (башарти биринчи усулни қўллаш бўйича умумий талаблар бажарилса) ҳаёда кўринишида текинга етказиб беришлар.

БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ТЎҒРИСИДА БАТАФСИЛ



этадиган мажбурий ва қўшимча ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги хусусидаги талабларига аниқ риоя этилиши устидан назорат қилишимиз шарт.

Божхона қиймати назорати товарларнинг боғжона расмийлаштируви жараёнида биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Уни аниқлаш ва қўллашнинг тўғрилиги назоратнинг бошқа турлари: валюта, боғжона тўловлари, статистик, товарларни кўриқдан ўтказишни тўғри амалга оширишга замин яратади. Дарвоқе, боғжона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида боғжона қийматини назорат қилиш таомили товарлар чиқарилишини асосиз тўхтатиб туришга йўл қўймаслик мақсадида имкони борича қисқа муддатларда ўтказилиши кераклиги қайд этилади.

Агар боғжона органи декларант баёнот берган боғжона қийматини эътироф эта олмаса ёки уни асосланган равишда тузата олмаса, берилган ариза асосида товарни шартли чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Мазкур ҳолда, мен илгарироқ айтиб ўтганимдек, товар унинг боғжона қийматини шартли (вақтинча) аниқлаш билан чиқарилади, унинг узил-кесил миқдори декларант томонидан зарур қўшимча маълумотлар боғжона органи белгиланган муддатда тақдим этилгач, товар чиқарилганидан сўнг аниқланади. Шартли чиқарилган товарлардан баёнот берилган боғжона режимида мувофиқ фойдаланиш мумкин.

усули ёки бошқа усул доирасида уни тузатиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтирилган товарларга нисбатан боғжона қийматини ва (ёки) боғжона тўловлари суммаларини тузатиш қоидалари **БҚТ-1 ва БҚТ-2 боғжона қийматини тузатиш шакллари тўлдириш бўйича йўриқномада** (Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 20 апрелда 920-сон билан рўйхатдан ўтказилган) анча батафсил баён этилган.

Тузатиш боғжона юк декларациясининг ажралмас қисми ҳисобланган БҚТ-1 ва БҚТ-2 шакллари тўлдириш воситасида амалга оширилади. Бунда БҚТ-1 асосий варағи, агар бундай товарларга нисбатан бир хил боғжона режими белгиланса, бир ёки бир неча номланишдаги товарлар кўрсаткичларини тузатиш тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш учун қўлланилади. Бир неча товарлар кўрсаткичларини тузатиш чоғида БҚТ-2 қўшимча варақлари қўлланилади, уларнинг ҳар бири яна икки номланишдаги товарлар маълумотларини тузатиш имконини беради.

– Боғжона қиймати кўрсаткичлари қандай ҳолларда тузатилишини тушунтириб берсангиз.

– У уч ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Биринчидан, боғжона расмийлаштируви чоғида:

– кўрсатилган боғжона қийматининг ҳажмига таъсир қилган БҚТ-1 ва БҚТ-2 шаклларидаги техник хатоларни, мисол учун, арифметик хатолар, шу жумладан валюталар курсини қайта ҳисоблашдаги ва ҳоказо хатоларни аниқлаш ва тузатишдан сўнг;

– декларант томонидан кўрсатилган боғжона қийматини белгилаш усули, боғжона қийматининг ҳажми ва (ёки) таркибининг тасдиқловчи ҳужжатларга номувофиқлиги аниқланганда, бунинг натижасида ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нархни аниқлаш ёки унга қўшимча ҳисоблаб ёзишлар белгилаш ёхуд унинг ҳисобидан чегирмалар, яъни боғжона қийматининг ҳажмини ўзгартириш амалга оширилади;

– декларант томонидан кўрсатилган боғжона қиймати боғжона органи томонидан қабул қилинмаган ҳолда товарни унинг эгасига (декларантга) боғжона қийматини вақтинчалик (шартли) баҳолаш билан фойдаланишга бериш ҳақида боғжона органи қарор қабул қилганда.

Иккинчидан, товарни вақтинчалик (шартли) боғжона қиймати билан у танлаган боғжона режимида мувофиқ эгасига (декларантга) фойдаланишга тақдим этгандан сўнг:

– декларант томонидан ўзи берган қўшимча ахборот асосида боғжона қийматини узил-кесил аниқлашда;

– белгиланган муддатда дек-

ларант зарурий қўшимча ахборот бермаган ҳолда боғжона органи томонидан товарларнинг боғжона қийматини узил-кесил баҳолашда.

Учинчидан, товарни эркин муомала учун чиқаргандан сўнг:

– товарни декларациялашда йўл қўйилган ва боғжона қийматининг ҳажми ва (ёки) таркибига таъсир кўрсатган техник хатоларни аниқлаганда;

– кейинги текширувни ўтказиш давомида аниқланган нотўғри декларациялаш аниқланган ҳолларда;

– олиб кирилган товарнинг миқдори ва (ёки) сифати бўйича шартнома (контракт) шартларига тўғри келмаслиги сабабли боғжона декларацияси қабул қилинган санадаги товарнинг ҳақиқий қиймати кўрсатилган боғжона қийматига номувофиқлиги аниқланган ҳолларда;

– ундирилиши лозим бўлган боғжона тўловларининг суммалари ўзгарган ҳолларда, масалан, товарларнинг келиб чиқиш сертификатини тақдим этганда ортқча тўланган суммаларни қайтариш, имтиёзлар берилган товарлар бўйича боғжона тўловларини қўшимча тўлаш, боғжона тўловларини тўлаш бўйича берилган муддатларни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи тақдим этилгани учун фоизларни тўлашда ва ҳоказо;

– савдо битимининг ўзгарган ҳолатларида (товарнинг бир қисмини бошқа шахсга бериш ва ҳоказо);

– Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

– Айтганларингиздан ТИФ иштирокчиси қандай хулоса чиқариши керак?

– Эслатма бўлиши учун такрор қайд этамиз: баёнот берилган боғжона қийматини текшириш зарурати, шу жумладан қўшимча ахборот олиш, товарни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди. Бунда товарни расмийлаштириш ва чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади. БЮД ва БҚД-1 ёки БҚД-2 шаклларида албатта текшириш ўтказилиши сабабларини кўрсатган ҳолда махсус белги қўйилади.

Боғжона органининг декларантга боғжона қийматини аниқлаш ёки баёнот берилган қийматни тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш учун муддатни кечиктириб бериши мумкинлигини унутманг.

Шуни ҳам унутмангки, импорт қилинаётган товарнинг боғжона қиймати боғжона органи томонидан аниқланган ҳолларда импортчи боғжонадан қиймат қандай қилиб аниқланганлиги хусусида ёзма тушунтириш бериши сўрашга ҳақлидир.

Боғжона қийматини аниқлаш хусусиятларини
Гулнора АБДУНАЗАРОВА
аниқлади.

5-бетда бериш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Декларантнинг ёзма аризасига кўра боғжона органи унга амалдаги қонунчиликка мувофиқ декларацияланаётган товарни мол-мулк гарови ёки ваколатли банкнинг кафолати остида фойдаланишга тақдим этиши мумкин. Бунда гаров қиймати ёки банк кафолати суммаси боғжона қийматини эҳтимолий тузатишни ҳисобга олган ҳолда, яъни шартли боғжона баҳосини чиқариш асосида ҳисоб-китоб қилинган боғжона тўловлари тўланишини таъминлаши керак.

Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, боғжона органи томонидан белгиланган, бироқ икки ойдан ошмайдиган муддат мобайнида декларант боғжона қийматини аниқлаштириш ва/ёки тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаши ва тақдим этиши керак. Бунда кафолат ёки гаров шартномасининг амал қилиш муддати боғжона органи томонидан кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланадиган муддатдан кам бўлиши мумкин эмас.

– Боғжона органига тақдим этиш учун бошқа мажбурий ҳужжатлар сирасида транспорт ҳужжатларини тилга олинган. Улар боғжона қийматининг баҳосини чиқаришга бирор-бир тарзда таъсир кўрсатадими?

– Шубҳасиз. «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ боғжона қийматига товарни Ўзбекистон Республикаси боғжона ҳудудига олиб кириш жойига етказиб бериш харажатлари киради, бунда боғжона ҳудуди деганда ташиш шаклига боғлиқликда қуйидагилар тушунилади:

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тайинланган аэропорт ёки товарларни ташувчи самолёт қўнадиган ва самолёт юқдан бўшатиладиган биринчи аэропорт;

– агар товарни қайта юклаш далили ушбу портнинг боғжона органи томонидан тасдиқланса, юк тушириладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги биринчи дарё порти ёки қайта тушириш порти;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги биринчи темир йўл станцияси;

– бошқа транспорт турлари билан ташилганда товарнинг бо-

риш йўлида Ўзбекистон Республикаси боғжона чегарасидаги ўтказиш пункти жойлашган жой;

– почта орқали етказиб бериладиган товар учун халқаро почта айирбошлаш пункти.

Бунда боғжона қиймати, шунингдек хорижий валюталар курси боғжона декларацияси қабул қилинган санада белгиланади.

– ТИФ иштирокчилари боғжона қийматини назорат қилиш ва тузатиш борасида кўп шикоят қилишади. Уларнинг муурожаатлари ушбу масалаларда кўпинча тушунмовчиликлар юзага келишидан гувоҳлик беради.

– Маълум даражада шундай. Лекин ушбу соҳада ихтилофлар учун замин бўлиши мумкин эмас. Зеро вазифасига кўра боғжона қиймати – солиқлар ҳисоб-китоби учун база. Бунда қоидаларни боғжона органи, бунинг устига ТИФ баъзи иштирокчилари хато ўйлашларига кўра, унинг айрим ходимлари эмас, балки «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонун белги-

Боғжона расмийлаштируви пайтида боғжона тўловлари тўланган тақдирда гаров ашёсининг қиймати ёки банк кафолати суммаси боғжона органи белгиланган товарнинг шартли баҳоси ва декларант баёнот берган боғжона қиймати ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқланади.

Масалан, «заводдан» етказиб бериш шартларида (EXW) товар олиб келинади. Импорт божининг ставкаси – 10%, ҚҚС ставкаси – 20%. Ҳисобварақ-фактурада сотувчи томонидан етказиб берилган товар учун тўланадиган 10 000 ш.б. суммаси кўрсатилган. Боғжона расмийлаштируви пайтида импорт божи 1 000 ш.б., ҚҚС 2 200 ш.б. миқдоридан тўланган. Боғжона тўловларининг умумий суммаси 3 200 ш.б. ни ташкил этган (мисолда ҳисоб-китобни соддалаштириш учун боғжона расмийлаштирувига доир йиғимлар ҳисобга олинмаган).

EXW етказиб беришнинг мазкур шартларида сотувчи томонидан харидорга қўйилган ҳисобварақ-фактурага товарни Ўзбекистон Республикаси боғжона чегарасига қадар етказиб бериш харажатлари кирмаганлиги, декларант эса товарни етказиб бериш қийматини аниқлаш имконини берадиган ҳужжатларни тақдим этмаганлиги муносабати билан боғжона органи етказиб беришга доир эҳтимолий энг юқори харажатларни ҳисобга олган ҳолда олиб кириладиган товарнинг вақтинчалик (шартли) боғжона баҳосини чиқаради. Чиқарилган баҳога мувофиқ боғжона қиймати 13 000 ш.б. суммада деб белгиланган. Шунда тўланадиган импорт божи суммаси 1 300 ш.б., ҚҚС суммаси 2 860 ш.б., умумий сумма 4 160 ш.б. ни ташкил этади.

Бу ҳолда боғжона органи декларантдан товарларни етказиб бериш харажатларини аниқ белгилаш имконини берадиган ҳужжатларни олгунча қадар улар банк кафолати остида 960 ш.б. суммасида (4 160 – 3 200 = 960) чиқарилиши мумкин.

лайди. Биз фақат унинг қоидаларига ва қонуности ҳужжатларининг декларант томонидан боғжона қийматининг аниқланиши, шу жумладан у танлаган усулнинг тўғрилиги ва уни қўллаш имконияти, шунингдек у тақдим

– Боғжона қиймати қандай тузатилади?

– Боғжона қийматининг назорати натижалари бўйича боғжона органининг мансабдор шахслари боғжона қийматини аниқлашнинг декларант танлаган

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**
 - "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида".
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРИ**
 - "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида".
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
 - ЎзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг "Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар)нинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ва бўшатилиши мўлжалланаётган ходимлар ҳақидаги ахборотни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи;
 - ЎзР МВ, ДСҚнинг "Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори;
 - ЎзР ДБҚнинг "Божхона назорати ҳудудини ташкил этиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 19-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 35-36-сон, 353-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги 822-1-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда) 19-моддасининг биринчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқалар) телекоммуникациялар соҳасидаги махсус вако-

латли орган телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш ҳамда уларни марказлашган ҳолда бошқариш, шунингдек уларнинг ишлашини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 5 сентябрь
ЎРҚ-107-сон.

*Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 35-36-сон, 355-модда)

Мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаоли-

Хизматлар лицензияланган
КАПИТАЛБАНК 132 - 07 - 03

Бир мақсадга интилиб
Муваффақиятга эришамиз

ятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари ушбу қарор талабларига риоя қилиниши ҳамда юридик хизмат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун шахсан жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек уларнинг юридик хизматлари томонидан ушбу қарор талабларига риоя қилиниши устидан тегишли назорат ўрнатсин;

икки ой муддатда, танқидий таҳлил қилиш асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари малакасини ошириш тартибини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар киритсин;

уч ой муддатда юридик хизматлар фаолиятида қўллаш учун шартномаларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш, қонунчиликни тизимлаштириш, талабнома-даъво ишларини юритиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан хулосалар тузиш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 2 мартдаги 118-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 3-сон, 8-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 24 август
182-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига
1-ИЛОВА

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (кейинги ўринларда «давлат органлари» деб аталади) юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Давлат органининг юридик хизмати — давлат органининг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий бўлинма ёки лавозим.

Юридик хизмат бевосита давлат органининг раҳбарига бўйсунди.

Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юриконсулт, етакчи юриконсулт, катта юриконсулт ёки юриконсулт бўлиши мумкин.

3. Давлат органининг юридик хизмати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Давлат органининг юридик хизмати ходими ёхуд юриконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

Давлат органининг юридик хизмати бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга ва камида икки йиллик юридик хизмат ходими иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

5. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг юридик хизмати ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқарма-

лари билан келишилган ҳолда тайинланади ҳамда тегишли ҳокимга ва ҳудудий адлия органига ҳисоб беради.

6. Давлат органида юриконсулт ёрдамчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

Юриконсулт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотли шахс, шунингдек «юриспруденция» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалаврият босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистратура тингловчиси ишлаши мумкин.

7. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими, юриконсулт ёрдамчиси лавозимида ишлаши мумкин эмас.

8. Юридик хизмат ходимлари умумий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат бирлашмалари тузишлари мумкин.

II. ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

9. Куйидагилар давлат органи юридик хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) давлат органининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашиш;

2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш;

3) давлат органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятини уларга етказишда қатнашиш;

4) давлат органи ва унинг тизимида кирадиган бўлинмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қўмаклашиш;

5) давлат органининг шартномавий-ҳуқуқий ва талаб-

нома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

б) судларда ва бошқа идораларда давлат органининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш.

10. Давлат органининг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) *ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:*

а) давлат органининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда қатнашади;

б) давлат органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда қатнашади;

в) давлат органининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхати-га олиш учун юборишда қатнашади;

г) мустақил ёки бошқа бўлинмалар билан биргаликда экспертизадан ўтказиш ва давлат органи билан келишиш учун тақдим қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, уларнинг қонунчиликка ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий хулосалар тайёрлайди;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) давлат органи фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

ж) давлат органига келиб тушган ва давлат органининг ўзи томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди;

з) давлат органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, давлат органи раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

и) давлат органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

к) давлат органи раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

л) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда қатнашади;

м) давлат органи фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

н) давлат органи ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга давлат органи фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қодалари бўйича тушунтиришлар беради.

2) *давлат органи фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида:*

а) давлат органида ва унинг тизимига кирувчи бўлинмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритади, зарур ҳолларда ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашади;

б) давлат органи раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа

ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) мустақил равишда ёки бошқа бўлинмалар билан биргаликда давлат органининг буйруқлари, фармойишлари ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

г) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

д) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда мулк сақланиши таъминланишининг ҳуқуқий механизмларини ташкил қилади;

е) давлат органининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда давлат органи, унинг тизимига кирадиган бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, шикоятлар ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқади;

ж) давлат органида бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат органи тизимига кирадиган бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

з) давлат органида меҳнат ҳақидаги қонунга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битим ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий хулоса беради.

3) *шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:*

а) бошқа бўлинмалар билан биргаликда давлат органи томонидан шартномалар тайёрланиши ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлари бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

б) қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) давлат органи томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

д) давлат органининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва давлат органига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, давлат органида талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

е) тегишли бўлинмалар билан биргаликда давлат органининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳолини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) давлат органининг мулкӣ ва бошқа манфаатлари-

ни ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади.

4) бошқа соҳаларда:

а) давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

б) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларга етказиши;

в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

11. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати мазкур органнинг норматив тусдаги қарорлари лойиҳаларининг ҳудудий адлия органларига киритилишини таъминлайди.

12. Юридик хизматга ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

III. ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13. Давлат органининг юридик хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) давлат органига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

б) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

в) раҳбарият томонидан чақириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда қатнашиш;

г) раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли бўлинма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

д) қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

е) давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларда

давлат органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

ж) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

з) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда ёки давлат органи томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Юридик хизмат ходими:

унга ушбу Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Юридик хизмат ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

15. Юридик хизмат ходими ўзи виза қўйган ҳужжатлар лойиҳаларининг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

16. Юридик хизмат ходими ўз вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

V. УШБУ НИЗОМНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

17. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизмат ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилишининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортишга йўналтирилган чораларни кўради.

Адлия органлари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни давлат органларидан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига
2-ИЛОВА

ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда «корхона» деб аталади) юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун ушбу Ни-

зом тавсиявий хусусиятга эга.

2. Корхонанинг юридик хизмати — корхона фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий бўлинма ёхуд лавозим. Юридик хизмат бевосита корхонанинг раҳбарига бўйсунди.

3. Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрискон-

сульт, етакчи юрисконсульт, катта юрисконсульт ёки юрисконсультдан иборат бўлиши мумкин.

Юридик хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Корхонанинг юридик хизмати ходими лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

Юридик хизмат бошлиғи лавозимида олий юридик маълумотга ва юридик хизмат ходимининг камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс тайинланади.

5. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими лавозимида ишлаши мумкин эмас.

II. ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

6. Қуйидагилар корхона юридик хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашда қатнашиш;

б) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда қатнашиш;

в) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

г) корхонада шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

д) судларда ва бошқа идораларда корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

7. Корхонанинг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

1) қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:

а) корхона раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ҳамда эътироз ва таклифлари бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳага юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

б) корхонада ва унинг таркибий бўлинмаларида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади;

в) корхонада меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

г) корхонанинг касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

д) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, бундай тадбирларни ўтказишда қатнашади;

е) корхона ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга корхона фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишда кўмаклашади, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беради.

2) мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш соҳасида:

а) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

б) бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонада мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

в) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради;

3) шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

а) бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг шартномаларини тайёрлаш ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади, шартномалар лойиҳаларига, агар эътирозлари ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

б) қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади, корхона томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар киритади;

г) корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва корхонага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, корхонада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

д) тегишли бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

е) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб боради;

ж) корхонанинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ва белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади.

4) бошқа соҳаларда:

а) таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

б) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди, ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига таклифлар киритади;

в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

III. ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Корхонанинг юридик хизмати қуйидаги ҳуқуқларга

эга:

а) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

б) раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарлари розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга ва ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

в) қонунчиликка зид бўлган ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш учун ижрочиларига қайтариш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, ҳулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

г) корхона ва унинг таркибий бўлинмаларининг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд қонун бузилишга йўл қўяётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

д) корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида ўтказилаётган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий ҳулосалар бериш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Юридик хизмат ходими:

юридик хизматга юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

корхонада ва унинг таркибий бўлинмаларида аниқ-

ланган қонун бузилишлари тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Юридик хизмат ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10. Юридик хизмат ходими ўзи виза қўйган ҳужжатлар лойиҳалари ва ўзи томонидан берилган ҳулосаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

11. Юридик хизмат ходими ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

V. УШБУ НИЗОМНИНГ БАЖАРИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

12. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизматлар ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилишларининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортишга йўналтирилган чораларни кўради.

Адлия органлари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни корхоналардан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

**МЕХНАТ ОРГАНЛАРИГА БЎШ ИШ ЖОЙЛАРИ
(ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР)НИНГ МАВЖУДЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ
МАЪЛУМОТЛАРНИ ВА БЎШАТИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНАЁТГАН
ХОДИМЛАР ҲАҚИДАГИ АХБОРОТНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
25 августда 858-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 35-36-сон, 357-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-616-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Меҳнат вазирлиги томонидан 1999 йил 29 ноябрда 2080/04-1-сон билан тасдиқланган ҳамда Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги билан 1999 йил 29 ноябрда 3-01/42, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан 1999 йил 7 декабрда 972, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан 1999 йил 16 декабрда ДЖ-05/617 келишилган «Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар)нинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ва бўшати-

ши мўлжалланаётган ходимлар ҳақидаги ахборотни тақдим қилиш тартиби тўғрисида»ги низомга (1999 йил 22 декабрь, рўйхат рақами 858) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б
А.ХАЙТОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 23 июль
М-38-сон.

ИЗМЕНЕНИЯ И ДОПОЛНЕНИЯ, ВНОСИМЫЕ В ПОЛОЖЕНИЕ О ПОРЯДКЕ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ ОРГАНАМ ПО ТРУДУ СВЕДЕНИЙ О НАЛИЧИИ СВОБОДНЫХ РАБОЧИХ МЕСТ (ВАКАНТНЫХ ДОЛЖНОСТЕЙ) И ИНФОРМАЦИИ О ПРЕДСТОЯЩЕМ ВЫСВОБОЖДЕНИИ РАБОТНИКОВ*

1. Пункт 2 изложить в следующей редакции:
«2. Сведения о наличии вакансий и информация о предстоящем высвобождении работников подаются всеми работодателями, зарегистрированными в органах по труду, как отчисляющие взносы в Государственный фонд содействия занятости, за исключением микрофирм и малых предприятий.»
2. В пунктах 3 — 5, 7, 9 — 13 и 15, а также в приложениях №№ 1 и 2 слова «отдел по труду» заменить

словами «Центр содействия занятости» в соответствующем падеже.

3. Дополнить пунктом 18 следующего содержания:
«18. Настоящее Положение согласовано с Министерством экономики, Торгово-промышленной палатой и Советом Федерации профсоюзов Узбекистана.»

4. Настоящие изменения и дополнения согласованы с Министерством экономики, Торгово-промышленной палатой, Советом Федерации профсоюзов Узбекистана.

**Министр экономики
Б.ХОДЖАЕВ.**

**Председатель
Торгово-промышленной
палаты
А.ШАЙХОВ.**

**Председатель Совета
Федерации профсоюзов
Узбекистана.
Д.ДЖАХАНГИРОВА.**

г. Ташкент, 23 июля 2007 г.

**Илова рус тилида берилди.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

АЙРИМ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАЁТГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИ ВА ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ БЎЙИЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
28 августда 1594-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 35-36-сон, 359-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 21-сон, 213-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат

солиқ кўмитасининг 2006 йил 20 июндаги 54, 2006-28-сон қарори билан тасдиқланган Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (foyda) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низома (2006 йил 17 июль, рўйхат рақами 1594 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 281-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
75-сон**

**Давлат солиқ кўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2007-50-сон**

Тошкент ш., 2007 йил 8 август.

**2007 йил 7 сентябрдан кучга киради.*

ЎзР МВ ва ДСҚнинг 2007 йил 8 августдаги 75,
2007-50-сон қарорига
ИЛОВА

АЙРИМ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАЁТГАН ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИ ВА ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ БЎЙИЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун юқорида айtilган имтиёзларнинг амал қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожланти-

ришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-640-сон қарорининг 6-бандига мувофиқ 2010 йил 31 декабрга қадар узайтирилган.»

2. 2-бандда:

«а» кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг

***Илова тахририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.*

хизматлари»;

«в» кичик банди куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«санаторийларнинг хизматлари;
ахборот-ресурс марказларининг хизматлари;
ахборот-кутубхона марказларининг хизматлари;
болалар соғломлаштириш муассасаларининг хизматлари».

3. 7-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларига куйидагилар киради:

суғурталаш, биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича хизматлар;

суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномасини тузиш ва ижро этишни ташкил қилиш бўйича воситачилик хизматлари;

актуар, аджастер, сюрвейер ва ассистанс хизматлари.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахсларнинг манфаатларини уларга суғурта шартномасига мувофиқ муайян ҳодиса (суғурта воқеаси) юз берганида, улар томонидан тўланадиган суғурта мукофотларида шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан суғурта қоплами (суғурта суммаси)ни тўлаш йўли билан ҳимоя қилиш суғурта ҳисобланади.

Суғурта фаолияти суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғурталашни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан иборатдир.

Суғурталовчилар, суғурта воситачилари (суғурта брокери, қайта суғурталаш брокери, суғурта агенти), актуар, аджастер, сюрвейер хизматлари, шунингдек ассистанс хизматларини кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланадилар».

4 IV боб куйидаги мазмундаги 16¹-16³-бандлар билан тўлдирилсин:

«16¹. Санаторийлар ва болалар соғломлаштириш муассасаларининг хизматларига йўлланма (курсовка) қиймати киритиладиган яшаш, даволаниш, хизмат кўрсатиш ва овқатланиш бўйича хизматлар киради.

Мазкур Низомнинг 1-бандида назарда тутилган имтиёзлар дам олувчиларга йўлланмалар (курсовкалар) қийматидан ортиқча хизматлар кўрсатадиган санаторийлар ва болалар соғломлаштириш муассасаларига ҳам татбиқ этилади.

16². Ахборот-ресурс марказларининг хизматларига куйидагилар киради:

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув юртлари ўқувчилари ва аҳолига мунтазам таълим ҳамда мустақил билим олишларига кўмаклашиш бўйича хизматлар;

янги ахборот технологиялари асосида (маълумотларнинг электрон базалари, интернет ресурслар) аҳолига ахборот хизмати кўрсатишни амалга ошириш бўйича хизматлар.

16³. Ахборот-кутубхона марказларининг хизматларига куйидагилар киради:

аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш хизматлари, замонавий ахборот технологиялари асосида унинг илмий, таълимий, ахборот ва маданий манфаатларини тезкор равишда қаноатлантириш;

универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар фонди (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа)ни шакллантириш, сақлаш ва тақдим этиш бўйича хизматлар;

уларнинг ахборот ресурсларини йиғма электрон каталог ёрдамида бирлаштирадиган электрон кутубхоналар ва маълумотлар базаларини яратиш бўйича хизматлар.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**БОЖХОНА НАЗОРАТИ ХУДУДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИГА
ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
6 сентябрда 470-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 35-36-сон, 374-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига 1997 йил 29 август 472-1-сонли (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 230-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-59-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2006, № 10, 536-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Дав-

лат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 31 июлда тасдиқланган «Божхона назорати ҳудудини ташкил этиш Тартиби»га (1998 йил 8 август, рўйхат рақами 470) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун муддат ўтгач амалга киритилсин.

3. Қарор ижроси таъминланишини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Хайруллаев зиммасига юклатилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси
С.НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 20 август
01-02/12-24-сон.

*2007 йил 16 сентябрдан кучга киради.

ЎзР ДБКнинг 2007 йил 20 августдаги
01-02/12-24-сон қарорига
ИЛОВА

**БОЖХОНА НАЗОРАТИ ХУДУДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИГА
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ****

1. 5-бўлимнинг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Божхона назорати ҳудуди режимини бузганлик учун

айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 227-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар».

**Илова тахририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.

ГАЗЕТХОН «СБХ» ҲАҚИДА

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси ўз ўқувчиларининг қизиқиш ва манфаатларини тўлароқ қамраб олишга ҳаракат қилиб келади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларимиз газетанинг қизиқарли ва амалиётда фойдали эканлигини тез-тез эътироф этиб турилади. Газетанинг мазмун ва шакл жиҳатдан бундай такомиллашиб боришида эса бизга муштарийларимизнинг қимматли фикр-мулоҳазалари, таклиф-тавсиялари доимо ёрдам бериб келган. Шу маънода ўқувчилар билан узвий алоқани боғлаш, уларнинг газетамизга бўлган бугунги талаб ва таклифларини яна бир бор ўрганиш мақсадида сўровнома тайёрладик. Сўровномага йўллаган сизнинг жавобларингиз «СБХ»нинг келгусидаги такомиллашув жараёнларига ўзининг ижобий таъсирини сўзсиз кўрсатади, деган умиддамиз. Танлаган жавобларингизга белгисини қўйиб чиқинг.

- Газетамизни неча йилдан бери ўқиб келасиз?
 - доимий обуначингизман (кўп йилдан бери);
 - охириги 2-3 йилда обунани бўлиб келяпман;
 - жорий йилда обунани бўлдим.
- Сиз учун газетада энг қизиқарли материаллар қайсылари? (бир нечта жавоб беришингиз ҳам мумкин)
 - барчаси қизиқарли;
 - кўпчилик материаллари қизиқарли;
 - меъёрий ҳужжатлар;
 - газетхонларнинг саволларига жавоблар;
 - меъёрий ҳужжатлар бўйича маслаҳатлар;
 - солиқ тўловчининг тақвими;
 - божхона ишига доир материаллар;
 - солиқ ва божхона органларининг фаолияти тўғрисидаги мақолалар.
- Газета Сизга нима билан ёрдам берапти?
 - газета материаллари корхонамиз фаолиятининг кўп масалаларини ҳал қилишда ёрдам берапти;
 - биз газетага савол билан мурожаат қилдик ва зарур тушунтиришлар олдик, улар бизга ёрдам берди;
 - аниқ бир нарса дея олмаймиз, газета биз учун фақат ахборот берадиган аҳамиятга эга.
- Газета саҳифаларида қандай янги мавзуларни ёритишни таклиф қиласиз?

- Газетанинг охириги ойлардаги дизайнини (безатилишини) қандай баҳолайсиз?
 - яхши;
 - қониқарли;
 - қониқарсиз.
- Газетанинг рангли форматда босилиши шартми?
 - рангли бўлиш аҳамиятга эга эмас;
 - мақбул бўларди, лекин шарт эмас;
 - албатта.

- Газетанинг матбаа ижроси: қоғоз сифати, босма сифатидан қониқдингизми?
 - қониқдим;
 - қониқмадим.
 - Газетанинг ташқи кўринишини яхшилашга доир Сизнинг таклифларингиз:

 - Газета учун қайси формат янада маъқулроқ?
 - ҳозиргиси, яъни А3 формати;
 - А4 формати (журнал формати);
 - А2 формати («Халқ сўзи» формати).
 - Газета сизга қай тарзда етказиб бериляпти?
 - мунтазам ўз вақтида;
 - кечикишлар билан етказиб бериляпти;
 - етказиб беришда доимий муаммолар мавжуд.
 - Газетага обунани қаерда расмийлаштиргансиз?
 - почтада;
 - тарқатувчи дилерларда обунани бўлганман;
 - «BTL ARZI MEDIA» МЧЖ;
 - «INTER-PRESS» МЧЖ;
 бошқалар _____ (қайсилиги кўрсатилсин)
 - обунани бевосита тахририят билан шартнома бўйича расмийлаштирганмиз.
- Маълумотларингиз:**
Ташкилот номи _____
Минтақа (республика, вилоят) _____
Шаҳар, туман _____
Алоқа боғлаш телефонлари _____
 Тўлдирилган анкетани **144-44-45** факси орқали ёки куйидаги манзил бўйича тахририятга юборинг: 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй, 315-хона. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси тахририяти.
Жавоб юборганингиз учун миннатдорчилик билдирамыз.
Ҳурмат билан «СБХ» тахририяти.

«NORMA» наشريети илк бор бухгалтерлар ва аудиторлар учун янги китоб маҳсулотини таклиф этади!

Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларига етказиб берамиз!

Бу «АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ» янгиланувчи қўлланмаси

Янгиланувчи қўлланмани харид қилиш учун оммавий офертанингиздан – шу сонда босилаётган таклифимиздан фойдаланинг ва биз сизга қўлланмани етказиб берамиз.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

- «Norma» МЧЖ (бундан кейин – Нашриёт), мазкур таклиф билан Ўзбекистон Республикасида жойлашган (истиколат қиладиган) ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадиган, мазкур оммавий оферта босилган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйида таклиф қилинаётган шар- тларни тўлалигича ва сўзсиз қабул қилишини билди- радиган субъект (бундан кейин – Харидор) билан ян- гиланувчи қўлланмани етказиб бериш билан сотув шар- тномасини тузишга тайёрлигини билдиради. Нашриёт ва Харидор биргаликда Тарафлар деб номланади.
- Харидор, мазкур Шартнома шартлари қабул қилин- ган тақдирда мазкур оммавий офертанинг ажралмас қисми ҳисобланган, мазкур Шартнома иловасига биноан шакл бўйича тўлдирилган буюртманома-акцептти (бундан кейин – Акцепт) юбориш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича харид қилишга розилиги тўғрисида Нашриётни хабардор қилади. Ак- цептнинг барча устунлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма харфлар билан тўлдирилиши лозим. Акцепт 144-44-29, 132-18-80 факслари бўйича юбо- рилиши ёки Тошкент ш., 100011, Абай кўч., 4-уй ман- зилига почта орқали етказиб берилиши мумкин. Факсимил ёзишма юридик кучга эга.
- Шартнома Нашриёт томонидан Акцепт олинган пайтдан бошлаб тузилган деб топилади ва кучга ки- ради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари ба- жариллиши пайтига қадар амал қилади.
- Шартноманинг умумий қиймати Харидор Акцепт- тда кўрсатган қўлланма нархи билан белгиланади.
- Харидор қўлланманинг қийматини 100% миқдо- рда Акцепт Нашриётга юборилган пайтдан бошлаб 5 (беш) банк кунидан кечиктирмай тўлаши шарт.
- Нашриёт Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари- ни бажаришга, унинг ҳисоб-китоб рақамига пул маб- лағлари келиб тушганидан кейин, Акцепт мавжуд бўлга- нда, киришади.
- Нашриёт тегишли худудий почта бўлимлари орқали (ёки бошқа усуллар орқали) ўз маблағлари ҳисо- бига Харидорга Харидор томонидан Акцептда қайд этилган янгиланувчи қўлланма унда кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил этади. Ношир хари- дорга қўлланманинг ўзгарган ахборотли варақларини қонун ҳужжатларининг ўзгаришига қараб, лекин қўлланма харидорга етказиб берилганидан сўнг 12 (ун икки) ой мобайнида камида 6 (олти) мартаба топшириш маж- буриятини олади.
- Етказиб бериш муддати Нашриётнинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари келиб тушганидан кейин 20 (йигирма) иш кунидан иборат.
- Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар ўз-ўзига фуқаролик кодекси, ЎзРнинг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғри- сида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
- Акцептда Харидор томонидан манзил нотўғри кўрса- тилгудек бўлса, шу сабабли Шартнома шартлари бажа- рилмаганлиги учун Нашриёт Харидор олдида жавобгар бўлмайди.
- Харидор мазкур Шартноманинг 5-бандида кўрса- тилган тўлов муддати амал қилмаганда Нашриёт қўлланма баҳосини уни Харидор билан келишмасдан туриб ўзгар- тиришга ҳақлидир.
- Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чора- лар билан олдини олмаган фавқулодда тусдаги ходи- салар натижасида юз берган киши ихтиёридан ташқари- даги ҳолатлар (форс-мажор) бошланиши оқибатида Та- рафлар Шартнома шартларини бажармас ёки лозим даражада бажаролмай қолса, улар жавобгар бўлмайдилар.
- Тарафлар форс-мажор ҳолатларининг бошланган- лиги тўғрисида бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) кун мобайнида хабардор қилишлари ке- рак.
- Шартнома шартларини бажариш пайтида вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчилик- ларни Тарафлар музокаралар ўтказиш ва келишиш тао- милари йўли билан ҳал қиладилар. Келишувга эришил- маган ҳолатда низо кўриб чиқиш учун ҳужжатли ёки ҳакамлик судига (Тарафларнинг келишувига кўра) топширилиши керак.
- Мазкур оммавий офертада тилга олинмаган шар- тлар ўз-ўз қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

16. НАШРИЁТНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:
«NORMA» МЧЖ
СТИР 201589186;
Манзил: 100011, Тошкент ш., Абай кўч., 4-уй;
Тошкент шаҳридаги ЎзҚДБ банкдаги
ҳисобрақам: 2020 8000 3044 2432 2001
МФО 00842, СТИР 205697778
ХХТУТ 87100
Тел. (371) 144-89-17; Факс: 144-44-29, 132-18-80.
Ф. С. КУРБОНБЕКОВ,
«NORMA» МЧЖ директори.

«НОЛЕГАЛ» ИШ ҲАҚИНИНГ

Хурматли таҳририят!

Отамнинг ёши 55 дан ошган. Бир қанча йиллардан буён бир фирмада электрик бўлиб ишлайди. Уни бу ерда кадрлашади, иш ҳақи ҳам ёмон эмас. Бироқ меҳнат дафтарчаси уйда турибди. Ана шу йиллар давомида у бир марта ҳам таътилга чиқмаган. Фирма эгаси отамга иш ҳақини ўзи тўлайди.

Мен отамга бундай қилиб пенсияга чиқиб бўлмайди, – дедим. Отам эса эътироз билдирди: «Мен 25 йил ишлаб кўйганман, энди эса ўзим хоҳлагандек ишлай оламан». Унинг ноҳақ эканлигини ҳис этиб турибман, бироқ буни қандай исботлашни билмайман. Эҳтимол, онам ўзига иш учун обуна бўлган, бутун оиламиз ўқийдиган газета ёрдам берар?

Вероника.

«Нолегал» ходим иш берувчининг бирорта ҳужжатида ҳам кўрсатилмайди. Иш ҳақи суммасини фақат икки киши: уни олувчи ва тўловчи билади.

«Ярим нолегал» ходим деб у билан меҳнат шартномаси тузилган, бироқ унда иш ҳақи суммаси ходим олаётган суммадан кам кўрсатилган киши тушунилади. Ходим барча ҳужжатларда акс этади, бироқ солиқ у ҳақиқатда олган барча пуллардан тўланган ва ушланган бўлмайди.

«Легал» ходим билан меҳнат шартномаси тузилаётганида иш берувчи унда маошнинг бутун суммасини кўрсатади, у барча бухгалтерия ҳужжатларида акс этади. Барча солиқлар ушланади ва бюджетга тўланади.

«Нолегал» ва «ярим нолегал» иш ҳақиға қарши қанчалик кураш олиб борилмасин, у барибир яшаб келяпти. Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази яқинда ушбу ходисани тадқиқ қилди. Фикримизча, унинг натижалари бўйича қилинган хулосалар бизнинг газетхонларимиз учун нафақат қизиқарли, балки фойдали ҳам бўлади.

Сўров натижалари сўнгги вақтда Россияда «легал» иш ҳақи олувчилар фоизи анча ўсганлигини (68%) кўрсатди. Бунинг устига сўралганларнинг кўпчилиги (70-72%) олий ёки тугалланмаган олий маълумотга эга.

Шуни қайд этиш жоизки, минтақаларда иш ҳақини расмий равишда олувчилар фоизи йирик шаҳарлардагидан анча юқори (61-73%). Бу кичик шаҳарлар ва қишлоқларда турмуш даражаси (ва тегишинча даромадлари ҳам) пастроқ эканлиги ҳамда солиқчиларда вазиятни назорат қилиш имкониятлари кўпроқлиги билан боғлиқ дейиш мумкин. Улар айниқса йирик корхоналарни гоётда эътибор билан кузатадилар. Ҳамма бир-бирини танийдиган кичик шаҳарларда ўз фаолиятининг реал ҳажмларини инспектордан яшириш йирик шаҳарда оладиганлар сони анча кам – сўралганларнинг бор-йўғи 8-17%ини ташкил этади.

Экспертлар иш ҳақини «хуфиялик»дан чиқаришдаги бир қадар силжишни Россия солиқчилари ўтказаетган сиёсат билан боғлашади. Унинг дастакларидан бири ходимларнинг ўртача иш ҳақи даражаси минтақада шаклланган даражадан паст бўлган корхоналарнинг раҳбарлари билан профилактик суҳбатлардир. Кам миқдордаги иш ҳақининг ўзи солиқ соҳасидаги қонун бузилиши ҳисобланмайди, бироқ фирма ходимларнинг реал даромадларини яширяпти деб тахмин қилиш учун асос беради.

Иш ҳақини конвертларда олувчиларнинг ўзлари ҳам, ипотека (ёки бошқа банк) кредитини олишдаги қийинчиликларни бошдан кечиргач, меҳнатга ҳақ тўлашнинг «ярим нолегал» шакли ўзини қанчалик оқлаши хусусида шубҳалана бошлашди.

МАҚОМ БЎЙИЧА ҲОЛАТ

Сир эмаски, ходимнинг ҳолати кўп жihatдан директор билан муносабатлари қандай шаклланганига боғлиқдир. Баъзан компаниянинг қандай – легал ёки нолегал, муваффақиятли ёки муваффақиятсиз ишлаётганлиги муҳим бўлмайди.

Иш ҳақини «нолегал конверт»да олувчи ходимлардан кўпдан-кўп ижобий фикрларни эшитиш мумкин. Компаниялардан бирининг дастурчиси Илья К. ўз тажрибаси билан ўртоқлашади: «Иш берувчи менга иш ҳақини конвертда бериб, ҳар йили таътил беради ҳамда денгизга йўлланма ҳақини тўлайди». Баъзи ташкилотлар ҳатто ўзларининг штатдаги мутахассисларини бундай таъминламайди. «Мен меҳнат шартномаси бўйича ташкилотда беш йилдан бери ишлайман, бироқ бирор марта ҳам таътилда бўлганим йўқ, – дарғазаб оҳангда сўзлайди бош бухгалтер Екатерина С., – чунки фирмамиз директори менинг ўрнимга вақтинча ишлайдиган мутахассисни топа олмапти».

УСУЛНИ ТАНЛАЙМИЗ

Ўзбекистоннинг солиқ тўғрисидаги қонунларида ёзилишича, ташкилот ходимнинг даромадидан жами даромад суммасига боғлиқ ҳолда тасдиқланган шкала бўйича 13 фоиздан 25 фоизга қадар миқдорда даромад солигини ушлаши ва бюджетга ўтказиши керак (Солиқ кодексининг 55-моддаси). Бундан ташқари, унинг иш ҳақидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 2,5 фоиз миқ-

дорида мажбурий суғурта бадаллари (Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарори, бундан буён – ПҚ-532-сон қарор) ҳамда ходимнинг ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи (даромадлари) солиқ солинадиган суммасининг 1 фоизи миқдорда ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари (ШЖБПХ)га мажбурий бадаллар ўтказилиши керак (бунда у ҳеч нарса йўқотмайди, балки ютади, чунки ушбу сумма жисмоний шахсларнинг даромадиға ҳисоблаб ёзилган солиқдан чегирилади).

Иш берувчи юридик шахслар, мазкур корхона (фирма) унинг асосий иш жойи ҳисобланиши ёки ўриндошлик бўйича ёхуд фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича ишлашидан қатъи назар, ўз ходимларининг ШЖБПХга мажбурий бадалларни киритишлари шарт (МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўйиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 3, 4-бандлари). Шунингдек у бюджетга юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 24 фоиз миқдорда ягона ижтимоий тўловни тўлаши лозим (2007 йил 1 январдан бошлаб), ундан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 23,5%; Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига – 0,3%; Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгашига – 0,2% (ПҚ-532-сон қарор).

Кўринадики, «нолегал» иш ҳақи оладиган ходимда бундай ўтказмалар умуман бўлмайди, «ярим нолегал» ва «легал» ходимларда эса – жамғармаларга ўтказмалар суммасидагина бунинг устига анча



СТПР: _____
 ХХТТ: _____
 Юридик манзили: _____
 Телефон, факс: _____
 Факс: _____
 Х/к рақами _____
 №: _____
 Хизмат кўрсатувчи Банк: _____
 Банк коди: _____

ХАРИДОР РЕКВИЗИТЛАРИ:

Алоқа боғлаш телефони: _____

(дав. ш. ва.в. б.ч. у.и. к.)

(минтақа)

ВИЛОЯТИ

ШАҲРИ,

ТУМАНИ

3. Етказиб бериш учун манзил: (босма харфлар билан, тушнарли тарзда): _____

Решение на ср. билан қўраш

2. Тўланиши керак бўлган умумий сумма _____

сўмни ташкил этади.

_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------

Индекс	Кулланма номи	Баҳоиси (сўмда, етказиб бериш билан)	Нусхадор сони (дона)	Умумий суммаси (сўм)
20025	"Амалий бухгалтерия" - муқоваси ечилишган янгиланувчи кулланма (бир йилга камда олти марта янгиланади)	99000		

ЖАМИ (ҚҚСиз)

"Норма маслаҳатчи" газетасининг 2007 йил 7 сентябрдаги 36-сонида эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ва қуйидаги янгиланувчи кулланмани сотиб олади:

2007 й. «__» сентябрь

БЮРТМАНОМА-АКЦЕНТ

Харидорнинг таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги маълумотга мувофиқ ташкилот ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи

НОМИДАН

Харидор ваколатли вазирининг Ф.И.О. (тўлиқ), унинг лавозими

АССОСИДА АМАЛ ҚИЛУВЧИ

«Норма» МЧЖ
 Оммавий офертасига
 ИЛОВА

САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

миқдорда фарқ бўлади. Келинг, меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли чизмаларида ходимлар нима йўқотиб, иш берувчилар эса нима топишларини таҳлил қилиб кўрайлик.

ТАЪТИЛНИНГ СИР-АСРОРИ

«Легал» ишлайдиган фирмалар ҳар йили ўз ходимларига муддати ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддатда ҳақ тўланадиган таътил беришлари шарт. Бу ҳолда ҳам ходим қонунда назарда тутилган таътил пулини олади (*Меҳнат кодексининг 133, 134-моддалари*). Бундай тўловларни тежовчи «ярим нолегал» фирмалар таътил пулини «легал» иш ҳақидан келиб чиқиб тўлайдилар, бу иш ҳақи эса, одатда, яшаш минимумига тенгдир. Ўз ходимларини расмийлаштирайдиган компаниялар эса бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайдилар – улар ходимларга ўз хоҳишларига қараб таътил берадилар.

Демак, легал ишлайдиган ташкилотларнинг ўз ходимларига таътил беришлари анча қимматга тушаркан. Масалан, агар ходимларнинг кўпчилиги ёзда дам олишни режалаштирса, иш берувчининг харажатлари ҳам ошади. Бюджети зарар кўришига йўл қўймаслик учун фирмаларнинг аввалдан таътил мавсумига тайёрланиб, махсус жамғарма ташкил этишлари маъқул бўлади. Йил бошида таътиллар жадвалини тузиб (*МК 144-моддаси*), ходимларнинг кўпчилиги ёзда таътилга чиқадиган вазиятнинг олдини олиш ҳам мумкин. Бу билан сиз нафақат ҳар бир ходимнинг истагини ҳисобга оласиз, балки ишлаб чиқариш туриб қолишига ҳам йўл қўймайсиз – зеро кимдир шу паллада ишлаши керак бўлади.

ЎЗ ҲИСОБИДАН ДАМ ОЛИШ

Легал ишлайдиган компаниялар ҳамда давлатдан иш ҳақи тўловларининг фақат бир қисмини яширадиган компаниялар ходимларига ўз ҳисобларидан таътил бера оладилар. Муайян шароитларда иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши шарт (*МК 150, 232, 234-моддалари*). «Нолегал» компаниялар эса ходимга таътил бериш ёки бермасликни ўзлари ҳал қиладилар. Ҳамма нарса яна раҳбар билан яхши муносабат ўрнатилганига боғлиқдир.

Шуни қайд этиш лозимки, фирма ходимларига ўз ҳисобидан таътил бериб, ҳеч нарса йўқотмайди. Бироқ иш жойида у ёки бу кишининг йўқлиги туфайли ишлаб чиқаришда тангликлар юз берадиган ҳолат бўлади. Бу энди пул эквивалентида ифодаланган жиддий талафотларга олиб келиши мумкин. Афсуски, сиз қанчалик харажат қилманг, бундай оқибатлардан бирорта компания ҳимояланган эмас.

АГАР ХОДИМ ҲАЛИ ТАЛАБА БЎЛСА

Ишга талабаларни қабул қилаётганда бундай ходимларнинг ҳуқуқлари олий маълумотга эга бўлганларга қараганда кўпроқ эканлигини унутмаслик муҳим. Иш берувчи ишлаб чиқаришда касбга оид таълимни ўтаётган, малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олаётган ходимларга ишни ўқиш билан бирга кўшиб олиб боришлари учун зарур шароитларни яратиб бериши шарт (*Меҳнат кодексининг 248-моддаси*). Талаба ходимнинг талабига кўра унга ўқув таътили берилиши шарт. Меҳнат қонунчилиги ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчилар учун бир қатор имтиёзларни, шу жумладан кўшимча ҳақ тўланадиган таътил, қисқартирилган иш ҳафтаси, ўқув юрти жойлашган жойга бориш учун ҳақ тўлаш ва бошқа имтиёзларни назарда тутди (*МК 249-257-моддалари*). Ўқув таътилига пул тўлаш ҳам иш ҳақининг хусусиятига боғлиқ бўлади. Чунончи, «легал» компания ўз ходимига «ярим легал» ишловчи компанияга қараганда анча кўп тўлайди. Расмийлаштирилмаган ходим эса раҳбар билан яхши муносабатда бўлгандагина ўқишга сарфланган вақт учун ҳақ тўланишига (шу сингари қолган пулли масалаларда ҳам) умид қила олади.

АГАР ХОДИМ КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛСА

Агар «легал» ходим касал бўлиб қолса,

ташкilot ўз маблағлари ҳисобидан унга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тўлаши керак. 2007 йил 1 январдан бошлаб ташкilot фойда солиғини ҳисоблаш чоғида ушбу харажатларни солиқ солинадиган базадан чиқариб ташлашга ҳақлиқдир (*Президентнинг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарори*). Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга, шунингдек 21 ёшга тўлмаган ота-онасиз етимларга – иш ҳақининг 80 фоизи;

б) умумий меҳнат стажи 8 йилгача бўлган ходимларга – иш ҳақининг 60 фоизи.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси барча ҳолларда энг кам иш ҳақи миқдоридан оз ва у ҳисоблаб ёзиладиган иш ҳақидан кўп бўлиши мумкин эмас. Нафақанин умуий суммаси қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади. Иш ҳақиға фоизларда тайинланадиган нафақанин миқдорига боғлиқ ҳолда ўртача кунлик иш ҳақи мазкур ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик туфайли ишланмаган иш кунлари сонига кўпайтирилади (*меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 28, 30, 55-бандлари*). Бундан келиб чиқадики, нафақанин миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қайдномада кўрсатилган иш ҳақи миқдорига боғлиқдир. Қисқаси, «ярим легал» ходим ўзининг реал иш ҳақидан анча кам пул олиши аниқ.

«Нолегал» хизматчига эса ушбу кафолатларнинг ҳаммаси умуман тааллуқли эмас. Агар ходим расмийлаштирилган бўлмаса, ташкilotнинг касаллик варақасига ҳақ тўлаши амалда кутилмайди, чунки фирма учун бундай харажатлар фойдали эмас. Зеро у меҳнат қобилияти йўқотилган биринчи кундан бошлаб тикланишгача ёки тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) ногиронликни белгилашгача, ҳатто агар ушбу даврда ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлсада, касаллик варақасига ўз ҳамёнидан тўлаши керак бўлади (*1136-сон Низом 11-бандининг биринчи қисми*). Бундан ташқари, кимдир ҳозир бўлмаган ходимнинг ишини бажариши лозим. Бинобарин, унинг ўрнига кимдир кўйиш ёки жамонинг бошқа аъзолари зиммасига кўшимча мажбуриятлар юклаш керак.

ПЕНСИЯ МАСАЛАСИ

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда фуқаролар пенсия таъминотининг икки тизими амал қилмоқда – мажбурий давлат пенсияси ва жамғариб борилувчи (мажбурий ёки ихтиёрий) пенсия. Фуқаролар давлат пенсиясини тайинлашлари тўғрисида унга доир ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат қила оладилар (*1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонуннинг 3-моддаси*).

Қонуннинг 7-моддасига кўра ёш бўйича пенсия олиш ҳуқуқиға эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажи 25 йилдан кам бўлмаганда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва меҳнат стажи 20 йилдан кам бўлмаганда эга бўладилар. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танафуслардан қатъи назар, бутун меҳнат фаолияти мобайнида кетма-кет келган ҳар қандай беш йил учун (пенсия олиш учун мурожаат қилувчининг танлаши бўйича) ўртача ойлик ҳақиқий иш ҳақи олинади. Бироқ пенсия ҳисоб-китобида энг кам иш ҳақи миқдорининг етти бараваридан ошмайдиған суммадаги иш ҳақи ҳисобга олинади. Бунда тўлиқ пенсия тай-



инланаётганида талаб қилинаётган иш стажидан ортиқча ҳар бир тўлиқ йил учун уларнинг базавий миқдорлари оширилади. Масалан, ёш бўйича пенсия учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизига (*Қонуннинг 31 ва 33-моддалари*). Демак – **стаж қанча катта бўлса, пенсия ҳам шунча юқори бўлади.**

Пенсия иш стажи тўлиқ бўлмаганда (*Қонуннинг 8, 18 ва 22-моддалари*) мавжуд стажга мутаносиб миқдорда тайинланади. Бироқ ёш бўйича пенсиялар учун у энг кам иш ҳақи миқдорининг 50 фоизидан паст бўлиши мумкин эмас (*Қонуннинг 29-моддаси*).

Шу сабабли ёш бўйича пенсия тайинлаш учун мурожаат қилганда биринчи навбатда меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш лозим (*Пенсияларни тайинлаш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомнинг 5-банди – Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 249-сон қарорига 13-илова*). **Иш стажиға ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанадиган ҳар қандай иш кўшилади** (*Қонун 37-моддасининг «а» кичик банди*). Иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжатлар бўлиб меҳнат дафтарчаси ва ижтимоий таъминот органларининг сугурта бадаллари тўланганлигини тасдиқлайдиган маълумотномалари ҳисобланади (*Пенсиялар тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг 4-банди – Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова*).

Бу ерда давлат Пенсия жамғармаси қандай ҳосил этилишини эсга олиш ўринлидир. Унинг маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари сирасига қуйидаги мажбурий ажратмалар ва бадаллар киради:

- мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдори;
- айрим юридик шахслардан ижтимоий сугуртага бадаллар;
- иш ҳақидан фуқароларнинг сугурта бадаллари;
- шунингдек бошқа тўловлар (*Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 490-сон қарори 4-банди, бундан буён – ВМ 490-сон қарори*).

Бинобарин, солиқ агенти ҳисобланган корхона ўзининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан унга ажратмалар қилади, ушбу маблағларнинг тўлиқ келиб тушиши устидан назоратни эса бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси амалга оширади (*ВМ 490-сон қарорининг 2-банди*). Ходимнинг «легал» ва «ярим легал» иш ҳақидан фирма 23,5 фоиздан тўлайди. Агар ходим «нолегал» ишласа, иш берувчи унинг учун ҳеч қандай бадал тўламайди, бу билан ўзининг пул даромадларини анча оширади ва даромад келтирувчи ходим тўғрисида ҳеч ҳам қайғурмайди.

Пенсиялар тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низом (*Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига 12-илова*)нинг 22-бандида мавжуд иш стажи тўғрисида ҳужжатлар йўқ бўлган ва ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, фалокатлар, ҳалокатлар

ёки бошқа фавқулодда вазиятлар муносабати билан уларни олиш мумкин бўлмаган тақдирда, ариза берувчини бир корхона, муассаса, ташкilotда биргаликда ишланганлик учун биладиган камида икки гувоҳнинг кўрсатмалари асосида меҳнат стажини, шу жумладан имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини белгилаш назарда тутилган. Бунда ҳатто умумий меҳнат стажи тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлса ҳам, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш хусусияти гувоҳларнинг кўрсатмалари бўйича белгиланмайди. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонуннинг 1-моддаси эса иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари давлат пенсиясини олиш ҳуқуқиға эга эмаслар деб таъкидлайди.

ЎЗИНГИЗ ЎЙЛАНГ...

Шу боис сизга иш ҳақини қайднома бўйича тўламайдиган фирмага ишга жойлашаётганда бундай нолегал ишнинг оқибатлари тўғрисида ўйланг. Аввало ушбу йиллар сизнинг меҳнат стажингизга кирмайди. Ҳатто агар сиз ҳозир навқирон ёшда бўлсангиз ҳам, улар сизга кейинчалик албатта яраб қолади, пенсияға ҳужжатларни расмийлаштириш пайти эса сиз ўйлаётгандан анча тез келиб қолади. Ҳужжатларнинг йўқлиги эса ҳар бир минг сўм ортиқчалик қилмайдиган кексаликда пенсия миқдорига таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, сиз касал бўлганда ёки, худо кўрсатмасин, бахтсиз ҳодиса юз берганда, ногирон бўлиб қолганда бутунлай ҳимояланмайсиз. Зеро фақат ўз манфаатларини ўйлайдиган иш берувчи (акс ҳолда сиз унда легал ишлаган бўлардингиз), ҳатто дастлабки паллада сизға ёрдам кўрсатса-да, сизнинг эҳтиётларингиз хусусида узоқ вақт ташвиш чекмаса керак.

Ва учинчидан, меҳнат дафтарчасидаги очик жой ёки дафтарчининг йўқлиги меҳнатга қобил ёшдаги кишининг обрў-эътиборига муқаррар равишда салбий таъсир кўрсатади. Агар сиз ишга жойлашмиш учун легитим иш берувчи хузурига борсангиз, у албатта: «Ушбу йиллар ичида нима билан шуғуллангансиз?» деган савол беради. Сизнинг малақангиз тўғрисида унда қандай фикр юзага келиши ҳам номаълум.

Яна бир қанча жиҳатлар бўйича ҳам ютқизасиз (масалан, кредит олиш учун сизга расмий даромадларингиз тўғрисида маълумотнома керак бўлади). Ҳатто болангизни болалар боғчасига жойлаштираётганда ҳам ишлаётганлигини тасдиқлайдиган қоғоз сўрашади. Хуллас калом, ўзингиз учун муаммо юзага келтириш-келтирмаслик ўз қўлингизда.

Албатта, нолегал ходим ўзининг кексалигини таъминлаш тўғрисида қайғуриб, жамғариб бориладиган пенсия тизимидан фойдаланиши мумкин. Ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари омонатчининг танлаши бўйича Халқ банкнинг исталган филиалига киритилади, киритиш суммалари ва даврлари чекланмайди (*Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларини очиш ва юритиш ҳамда уларға мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 34-банди – Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 595-сон қарорига 2-илова*).

Ўзингизнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағингизда каттагина суммани жамғариб, пенсия ёшиға етганда барча жамғарилган суммани дарҳол олишингиз ёки ҳисобварақда пул қолмагунча яшаш учун маълум суммани ҳар ойда олишингиз мумкин (*Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом – Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига 3-илова*).

Бироқ яна бир савол туғилади – ўз кексалигингизни таъминлаш учун анча салмоқли маблағларни ихтиёрий равишда ва мунтазам тарзда ўтказиб бора оласизми? Бу саволға жавоб топиш мушкул.

ISO 9001:2000

Жойига чиқиш билан “МУЛОҚОТ ДОИРАСИ” тариф режасига улаш!

COSCOM компанияси “VIP TAXI” билан ҳамкорликда
Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига
“VIP TAXI” орқали буюртма бериб
“МУЛОҚОТ ДОИРАСИ”
тариф режасига уланиш имкониятини беради.

Шунингдек ҳисобрақамни тўлдириш учун
Умумий Тўлов Картаси
етказиб берилади.

Тел.: 169-33-33, 169-66-08

Хизматлар қиймати “VIP TAXI” тарифларига мувофиқ белгиланади



БИЗ БИЛАН БЎЛИНГ!

COSCOM

www.coscom.uz

Хизматлар лицензияланган
(ЎзААА берган АА 0001818-сон лицензия)

1C: Франчайзинг

ТЕХNET ИИЧК куйдаги хизматларни таклиф этади:

Куйдагиларни комплекс конфигурациялаш:

- ➔ Дастурий махсулотларни сотиш
- ➔ Етказиб бериш
- ➔ Ўрнатиш
- ➔ Созлаш
- ➔ Жорий этиш
- ➔ Ўқитиш
- ➔ Бухгалтерия ҳисоби
- ➔ Омбор ҳисоби
- ➔ Иш ҳақи ва кадрлар
- ➔ Янги Ҳисобварақлар режаси
- ➔ Солиқларнинг автоматик ҳисоб-китоби
- ➔ Ташқи ва ички ҳисоботлар

100000, Тошкент ш., Пушкин кўч., 22 www.texnet.uz
132 14 41, 401 05 85, 344 55 90

ООО KASHTAN-SYSTEMS

АНАЛИТИЧЕСКИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ разработкой, внедрением, сопровождением, обучением

АСУ-отдел кадров - управление персоналом
Банковская деятельность и технологии
Биржевые торговые площадки - "MERCURY-KS"
Делопроизводство+Документооборот
Корпоративные информационные системы, IT-безопасность
NET-технологии: ADO.NET, ASP.NET
1С 7.7 и 8.1 "Предприятие" SQL настройка под GAAP
Промышленные СУБД: MS-SQL Server, Oracle, DB2 и др.

МЫ ЗА ПРОЦВЕТАЮЩИЙ УЗБЕКИСТАН!

г.Ташкент, ул. Дружбы народов, 23А, офис 404
Тел.: (+99898) 300-35-57
E-mail: kashtan-uz@mail.ru

"BEKASPLUS.BIZ" дастурлаш гуруҳи

ТАКЛИФ ЭТАДИ **BEKASPLUS.BIZ**

бизнесни автоматлаштириш
вазифаларининг комплекс ечими
ЯНГИЛИК!
Бухгалтерия ҳисобини юретишнинг ўзбек стандартига соналган
1С предприятие 8.0,
дастурининг ноёб конфигурацияси

Мутахассисларимиз мижознинг ҳар қандай хоҳиш ва талабларини инобатга олган ҳолда буюртмага ишлайдилар.

Биз муаммоларингизни ҳал этишда ёрдам берамиз!

Манзил: Фетисов кўч., 1/1
Тел.: 191-60-63, 168-58-99, 108-59-63
E-mail: bekasplus@mail.ru

1C: ПРЕДПРИЯТИЕ

Базавий версиялар
Стандарт ва малака версиялари
Тармоқ версиялар
SQL учун версиялар

- Корхоналар фаолиятини автоматлаштириш
- 1С фирмаси дастурларини етказиб бериш
- Намунали конфигурацияларни жорий этиш
- Ихтисослаштирилган конфигурацияларни ишлаб чиқиш
- Ўрнатиш, ўқитиш, жойга бориш
- Бухгалтерия
- Иш ҳақи ва кадрлар
- Савдо ва омбор
- Молиявий режалаштириш
- Солиқлар ва ҳисоботлар
- Ишлаб чиқариш ва хизматлар

1C: Франчайзинг «UniSOFT»

Амалий дастурий таъминот бўйича мажмуавий хизмат кўрсатиш
173-95-95, 173-30-18, 186-30-18, 173-97-12, 278-97-41
Манзил: Тошкент ш., Катортол кўч., 60, 705-хона

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан Бектемир туманидаги иқтисодий ночор деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш таомили жорий қилинган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами	Санаси
"BILOL-YOSIN-FAYZ" ХК	205058836	10-0705/7502-Б	13.08.07
"PROFI QURILISH MONTAJ" МЧЖ	205591318	10-0705/7500-Б	13.08.07
"ЖАҲОНГИР БАРАКА" ХК	204751750	10-0705/7501-Б	13.08.07
"BRON B ELEKTRONIKS" МЧЖ	205139419	10-0705/8117-Б	13.08.07
"МУРОД МЕХРИ" ХК	200910096	10-0705/7227-Б	17.08.07

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Бектемир туман ДСИ ходими Т.Гиязов тайинланган. Корхоналарга тегишли думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплар бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2007 йил 21 сентябрь соат 11.00 да Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 92-уй, туман ДСИ биноси, 301-хонада ўтказилади. Кредиторларнинг барча эътироз ва даъволари эълон босилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел. 195-29-93.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 28 августдаги 10-0708/8034-сонли ажримига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги "OSIYO INTEL" МЧЖ, 10-0708/8036-сонли ажримига асосан "ABDULAZIZ BIZNES SAVDO" МЧЖни соддалаштирилган тартибда банкрот деб эътироф этишга оид иш очилди. Банкротлик иши 2007 йил 18 сентябрь соат 11.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида (Чўпон ота кўч., 6-уй) кўрилади. Кредиторлар судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 162-17-82.

1C: ПРЕДПРИЯТИЕ дастурлар тизими

PR-169-07

1C "TELEPORT" МЧЖ компанияси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Куйдаги ўқув курслари бўйича "1C" фирмасининг ўқув маркази (АЎМ-1С ЎЗ) фаолият кўрсатаётганини

- 1.Фойдаланувчиларни "1C:Предприятие 7.7 ва 8.0" тизимларининг дастурий махсулотлари билан ишлашга ўқитиш
- 2."1C:Предприятие 7.7 ва 8.0" тизимларида дастурлаштириш
- 3.Компьютер саводхонлиги (Windows, Word, Excel ва б.)
- 4.Статик ва динамик сайтларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кузатиш
- 5.Компьютер графикаси, дизайн, анимация
- 6.Юқори, ўрта ва куйи бошқарув бўғинларининг раҳбарлари учун "бизнес мактаби"

Бугунги кунда реал бошқарувда олим, эксперт бўлишдан кўра унча маълумотли бўлмаса ҳам, ўз хислатлари, иқтидори, тажрибаси, кўникмалари ва соғлом фикрлаши сабабли бошқариш сирлари санъатини эгаллаган раҳбар муҳимроқ ўринда туради.

Курс тугаши билан сертификат ҳимоя қилинади ва топширилади. Батафсилроқ ахборотни www.1c.uz сайтидан оласиз.

Ариза ёки юзага келган саволлар билан куйдаги манзилга мурожаат қилинг:

Телефонлар: 137-49-20, 137-49-21, 137-10-91, 137-10-63, 137-11-56. Еки куйдаги манзилдаги офисимизга ташриф буюринг: Пушкин кўч., 59 ("Ҳамид Олимжон" метро бекати), "Ранглиметаллойдха" биноси, ўнг томондаги лифт, 4-қават, 414-хона, E-mail: teleport@1c.uz; teleport@globalnet.uz

1C: ФРАНЧАЙЗИНГ Амалий дастурий таъминот бўйича комплекс хизмат кўрсатиш

1C: Предприятие дастурлар тизими

Корхоналарни автоматлаштириш

1C МОС КЕЛАДИ!

Сифат сертификати

- ➔ Янги Ҳисобварақлар режаси
- ➔ Бухгалтерия ҳисоби
- ➔ Омбор ҳисоби
- ➔ Иш ҳақи ҳисоб-китоби
- ➔ GAAPга созлаш

Халқлар дўстлиги кўч., 42-уй, 206-хона. Тел. 173-24-37, 127-37-79 E-mail: plussoft@uzpak.uz

1C: Франчайзинг "PLUS SOFT" plus soft

1C: ПРЕДПРИЯТИЕ

infotech plus

1С ФИРМАСИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

ЭНДИ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ХАМИ!

Бюджет ва хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг бухгалтерия, иш ҳақи ва омбор ҳисобини тўла автоматлаштириш.

ЎРНАТИШ*КУЗАТИШ*ЎҚИТИШ

Наманган шаҳар, У.Носир кўчаси, 7-уй.
Тел.: (+998 69) 226-15-63, 270-13-13

www.1c.ifoda.com

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

Декларантлар учун "ДЕКЛАРАНТ ПЛЮС" дастури - декларация тайёрлаш, ДБҚга электрон нусхасини жўнатиш.
Тел. 107-67-18.

ТИФ иштирокчиси маълумотномаси, ТИФ ТН, тушунтиришлар, товар ҳақида маълумот, божхона тўловлари.
Тел.: 107-67-18.

Тўлов топшириқномаларини автоматик шакллантириш ва ҳисобга олиш учун компьютер дастури (рус, ўзбек тилида).
http://www.rnsoft.uzpak.uz

ЎЗИНФО-БУХГАЛТЕР компьютер дастури. "NORMA" АХТни улаган ҳолда бухгалтерия, солиқ, омбор ҳисоби.
Молиявий таҳлил, ҳисобот.
Тел.: 770-11-23, 133-49-80.

Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича янги тизим

TS БУХГАЛТЕРИЯ - БЮДЖЕТ

Комплекс бухгалтерия + иш ҳақи
Ҳисобни бюджет ва махсуо ҳисобварақлар бўйича юритиш

285-шакл - айланмалар қайдномаси;
292-шакл - жорий ҳисобварақлар ва ҳисоб-китоблар дафтари;
294-шакл - касса ва ҳақиқий харажатлар дафтари;
296-шакл - товар-моддий бойликларнинг сони ва миқдори ҳисобини юритиш дафтари;
308-шакл - бош журнал дафтари, шунингдек ОХ-1, ОХ-2, РЖ-2 ҳисоб-китобларни чоп этишни автоматик тайёрлайди.

TS БУХГАЛТЕРИЯ

Комплекс бухгалтерия + иш ҳақи

Ишлаб чиқариш
Савдо
Хизматлар

Тел./факс (371) 399-71-72
Тел.: 127-29-00, 301-51-64
E-mail: tetrasoft@sarkor.uz

"TETRASOFT" ИИЧФ

Куйдагилар учун ўз базасида тайёр намунавий ечимлар билан ЖИХОЗЛАНГАН "1C" ФИРМАСИНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ДАСТУРИЙ МАХСУЛОТЛАРИ

1C: Франчайзи "Kolizey Konsulting" МЧЖ

Тел.: 150-41-47, 150-41-48
E-mail: info.kolizey@gmail.com

- ➔ Улгуржи-чакана савдо компаниялари
- ➔ Ишлаб чиқариш корхоналари
- ➔ Ресторанлар, барлар ва қаҳвахоналар
- ➔ Хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар
- ➔ Бюджет ташкилотлари

Шунингдек уларни жорий этиш бўйича хизматларнинг бутун доираси.

БИЗ ЕТКАЗИБ БERAДИГАН ДАСТУРИЙ МАХСУЛОТЛАР Куйдагилар бўйича вазифаларнинг тўлиқ доирасини ҳал этади:

- ➔ Бухгалтерия ҳисоби
- ➔ Бошқарув ҳисоби
- ➔ Солиқ ҳисоби

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ

АЛТАКОМ 1C ягона ўқув маркази

Курсни тугатгандан сўнг Сиз:

- ☑ **ҚИЛА ОЛАСИЗ:**
"1C" дастурида бирламчи ҳужжатларни тўғри тўлдирган ҳолда бемалол ишлаш Сониялар ичида, автоматик тарзда исталган ҳисоботларни олиш Халқаро намунадаги сертификат-диплом олиш
- ☑ **СОВФАГА ОЛАСИЗ:**
21-сон БҲМС бўйича "1C:Бухгалтерия 7.7" дастурининг намунавий конфигурацияси ёзилган диск Мисоллар - бирламчи ҳужжатларни тўлдиршидан бошлаб "1C" дастурида баланс тузишгача кўрсатилган китоб

ШУНИНГДЕК:
www.buh.uz сайтидаги "Ўқитиш, иш" ёпиқ бўлимига кира оласиз
Манзилимиз: Тошкент ш., Афросиёб кўч., 2, 2-қават, "Баракат-марказ". (Мўлжал: "Космонавтлар" м.б., "Жемчуг" дўкони)

152-25-75 152-21-65

ООО "KONI-NUR-INDUSTRIJS"

ПРЕДЛАГАЕТ

ВЫСОКОКАЧЕСТВЕННУЮ ОГНЕУПОРНУЮ ПРОДУКЦИЮ

- КИРПИЧ ОГНЕУПОРНЫЙ
- ШБ – прямой (№№ 5, 6), клин (№№ 22, 44, 45)
- КИРПИЧ КИСЛОУПОРНЫЙ – прямой, клин
- ПЛИТКУ КИСЛОУПОРНУЮ
- МЕРТЕЛЬ • КАОЛИН • ШАМОТ

Тел.: 170-04-64, 318-51-28

Курилиш, тадқиқ этиш ва кадастр ташкилотларига таклиф этамиз:



- курилиш учун ўлчов асбоблари;
- назорат ва техник диагностикани бузмайдиган асбоб ва ускуналар;
- оптик нивелирлар ва теодолитлар, рақамли ва лазерли нивелирлар;
- фибергласли ва металл рулеткалар (3м, 5м, 8м, 20м, 25м, 30м, 50м, 100м), телескопли нивелир рейкалар;
- электрон теодолитлар, акс эттирмайдиган дальномерлар, GPS/ГЛОНАСС-приёмниклар, электрон тахеометрлар, шахсий ҳамда GARMIN автонавигаторлари.



Тўловни кечиктирган ҳолда божхонадан ўтказилган ва сертификатланган GPS приёмниклар мажмуини таклиф этамиз.

Навоий кўч., 2а, Тел. 142-46-31, 142-53-69. Факс 134-53-68. E-mail: geo_inform@yahoo.com

товарлар сертификатланган

СКБ СТРОЙПРИБОР

SOUTH 南方测绘

Trimble, B.V. (Нидерландия)

SPECTRA

ХИТОЙДАН МАХСУС ТЕХНИКА

Буюртмага

РЕАЛ НАРХЛАРДА РЕАЛ ТЕХНИКА


- Юк машиналари
- Самосваллар
- Эгарсимон шатаклар
- Бетон қорувчилар
- Автокранлар
- Трейлерлар
- Бульдозерлар
- Экскаваторлар
- Юкортгичлар
- Йўл каткалари
- Автогрейдерлар
- Асфальт ётқизувчилар

Тел.: (+998712) 54-77-19, (+99890) 328-29-48
e-mail: info@spetstehnika.com

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРДАН БИРИ

АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИTUV
CERT
EN ISO 9001

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66, 169-00-79 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

• РЎЙХАТЛАР

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 10 сентябрдаги 11-0706/8656-сонли ажримига асосан Чирчиқ шаҳар 2-кичик ноҳия, 4-уйда жойлашган "KUANVIK BUILDING" МЧЖ (СТИР 205837910), 11-0706/8657-сонли ажримига асосан Чирчиқ шаҳар У.Юсупова кўч., 100-уй, 1-хонадонда жойлашган "IMPREX LINK" МЧЖ (СТИР 205561702)га нисбатан банкротлик жараёни қабул қилиниб, кузатув жараёни бошланган. Муваққат бошқарувчи этиб Чирчиқ шаҳар ДСИ ходими Ф.Мавлянов (индекс: 702100, тел. 6-26-70) тайинланди. Банкротлик иши юзасидан суд жараёни 2007 йил 24 сентябрда Чирчиқ шаҳар ДСИ биносида (юридик манзили: Темирўйлчилар кўчаси, 128а-уй, тел. 6-23-52) соат 10.30 дан 12.00 гача ўтказилади. Кредиторлар 1-йигилиши 2007 йил 19 сентябрь соат 10.00 дан 15.00 гача Чирчиқ шаҳар ДСИ биносида ўтказилади. Кун тартиби: Ушбу ташкилотларни хўжалик судига банкрот деб эътироф этиш ва тугатиш жараёнини жорий этиш бўйича муурожаат этиш. Кредиторлар йигилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан муваққат бошқарувчисидан танишиш мумкин. Кредиторлар йигилишига ишончнома ва ушбу ишга тегишли бўлган ҳужжатларнинг асл нусхаси билан келиши лозим. Кредиторларни рўйхатга олиш 2007 йил 19 сентябрь соат 9.30 да бошланади.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 19 июль ҳамда 10 августдаги ҳал қилув қарорларига асосан банкрот деб топилган ва кузатув ишлари давом этаётган фермер хўжаликлари РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"Алп" ХК	11-0706/7059
"Озод Бобобеков" ХК	11-0706/7061
"Шеркул ота фарзандлари" ФХ	11-0706/7050
"О.Бекпўлат зурриётлари" ФХ	11-0706/7054
"Ортиқбой ота" ФХ	11-0706/7051
"Бегали Маматқулов" ФХ	11-0706/7048
"Рустам" ФХ	11-0706/7058
"21-аср" ФХ	11-0706/7053
"Ашуров Обид" ФХ	11-0715/4993
"Даврон" ФХ	11-0715/4998
"Улжабой ота" ФХ	11-0715/5001
"Нафис-Фарм" хус. дорихона	11-0715/5000
"Осиё" ФХ	11-0715/4996
"О.Жўрабой ота" ФХ	11-0715/4992
"Умиринсо она" ФХ	11-0715/4990
"Дилбархон Турдибоева" ФХ	11-0715/4991
"Чарос Люкс" ФХ	11-0715/4999
"Эгам ота" ФХ	11-0715/5003
"Турон Ф" ФХ	11-0715/4995
"Жўрабой ота" ФХ	11-0715/4989

Маъжур корхоналарнинг топширилмаган ҳужжатлари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Муваққат бошқарувчи этиб Оққўрғон туман ДСИ ходими Л.Абдураимов тайинланган. Кредиторларнинг талаблари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Кредиторлар 2-йигилиши 2007 йил 18 сентябрь соат 10.00 да Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 3-уй, 7-хонада ўтказилади. Кузатув ишлари ушбу манзилда давом этмоқда. Мўлжал: Оққўрғон туман ДСИ биноси. Тел.: 55.21-034, 55.21-755.

ООО "INTERKABEL" ПРЕДЛАГАЕТ

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР СП ОАО "АНДИЖАНКАБЕЛЬ" предлагает

КАБЕЛЬНО-ПРОВОДНИКОВУЮ ПРОДУКЦИЮ * по ценам производителя СП ОАО "Андижанкабель"

СЕТКИ латунные тканые (из никеля, бронзы, нержавеющей и оцинкованной стали)

ЭЛЕКТРОННЫЕ СЧЕТЧИКИ *

Услуги лицензированы 1, 3-х фазные DDS28, DTS541, EK541

Товар сертифицирован

г.Ташкент, ул. Паркентская, 30В (ор-р - Паркентский рынок)
Форма оплаты - любая Тел. 169 4314, факс 169 4390

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 10 сентябрдаги ажримига асосан банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланган корхоналар рўйхати

Корхона номи	Ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи	Банкротлик иши соати
"RAKFL TRADE PLUS" МЧЖ	10-0717/11443	А.Абдуназаров	12.10
"AKROMJON QURILISH PLUS" МЧЖ	10-0717/11442	З.Нодиров	12.00
"ZIROMAX GRAND" МЧЖ	10-0717/11445	Л.Қаюмов	12.30
"MULTISOFT" МЧЖ	10-0717/11444	Д.Алимбеков	12.20

Маъжур корхоналар бўйича кредиторлар 1-йигилиши 2007 йил 18 сентябрь соат 10.00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар Тошкент ш., Учтепа тумани, М.Шайхзода кўчаси, 1а-уй, 310-хонада давом этмоқда. Тел.: 274-28-70, 275-95-10. Банкротлик иши 2007 йил 25 июлда Тошкент ш., Учтепа туман ДСИ, 3-қават, 310-хонада курилади.


STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

Хизматлар лицензияланган

МДХ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

- транспортнинг барча турларида юк ташиш
- юкларни "эшиқдан эшиқкача" етказиб бериш
- импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви



Тел.: 132-23-31, 132-24-12. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Х.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ruНашр учун масъул:
Нодир Алимов

1 3 4 5 6

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуктаи-назарига мос келвермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят озоҳлангани билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди (Тошкент ш., Буюк Турон кўч., 41). Буюртма Г-863. Адади 7340. Баҳоиси келишилган нархда.
Газета 2007 йил 13 сентябрда соат 22.00 да топширилди.